

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Қўқон давлат педагогика институти**

**Чет тиллар факультети**

Қўлёзма ҳуқукида

**ҚДПИ магистри Қодирова Нозима**

**Инглиз тилининг адабий варианты ва ўқитиш нормасини танлаш  
муаммолари**

Магистратура мутахассислиги: 5А111401 Хорижий тиллар (инглиз тили)

**Филология магистри академик даражасини олиш учун тайёрланган  
диссертация**

**Илмий раҳбар – С.Солижонов,  
филология фанлари номзоди, доцент**

Иш кўриб чиқилди  
ва ҳимояга қўйилди.

Кафедра мудири –

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020 й.

**Қўқон - 2020**

## Мундарижа

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>БИРИНЧИ БОБ. Ҳозирги замон инглиз тилининг полиэтник хусусиятлари ва унинг адабий варианты шаклланиши омиллари</b>	
1.1. Замонавий полиэтник тиллар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.....	10
1.2. Инглиз тилининг полиэтник тил сифатида шаклланиши ва тараққий этиш омиллари.....	16
<b>ИККИНЧИ БОБ. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар ва улардаги инглиз тили миллий вариантлари</b>	
2.1. Британия инглиз тили вариантынинг тарқалиш ҳудудлари.....	29
2.2. Инглиз тилининг қитъалараро ҳудудий вариантлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари	
a) Инглиз тилининг Америка қитъасида тарқалган вариантлари.....	37
b) Инглиз тилининг Евроосиё ҳудудида тарқалган вариантлари.....	51
c) Инглиз тилининг Австралия ва Океанияда тарқалган вариантлари .....	58
d) Инглиз тилининг Жанубий Африка варианты.....	70
<b>УЧИНЧИ БОБ. Инглиз адабий тилини ўқитиш стандарти ва ўқитиш нормасини танлаш муаммолари</b>	
3.1. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлардаги инглиз тилининг стандарт вариантлари.....	74
3.2. Инглиз адабий тили ва уни ўқитиш меъерининг ўзига хос хусусиятлари.....	77
3.3. Инглиз тили меъерий талаффуз стандартларини ўқитиш Мезонлари.....	85
<b>УМУМИЙ ХУЛОСА</b> .....	91
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	95

## КИРИШ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳада ислохотларнинг амалга оширилиши келажаги буюк давлатимизнинг ёшларини ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват, интеллектуал салоҳиятли бўлган баркамол авлод тарбияси олдига муҳим вазифаларни қўймоқда. Бу, аввало, келажак авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳар томонлама тарбиялашни, уларда билим, кенг дунёқараш ва эътиқодга эга бўлишни талаб этади.

Республикаимиз **Президенти мухтарам Ш.М.Мирзиёевнинг** қарор ва фармонлари ҳамда нутқларидан келиб чиқадиган асосий вазифалар, асосан, олий таълим ходимлари олдига таълим ва тарбияни юқори даражага кўтарилишини, миллат маънавиятини ва билимдонлигининг ривожини халқ таълимининг инсоний-гуманитар хусусиятлари тўлиқ таъминланишини, илгор педагогик технологияларни жалб қилиш асосида унинг тубдан янгиланишини ҳамда илму - фан таррақиётини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланган мамлакатлар билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқаларининг кучайиб бораётганлиги ўзбек тили, хусусан, унинг лексикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. 2017-2021 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш» масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши тилларни ўрганиш борасида ҳам кенг қўламли илмий изланишлар олиб бориш, уларга доир методик қўлланмалар яратишни талаб даражасида туза оладиган, хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима қила оладиган мутахассислар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини

ташқил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Республикамиз ёшларини билимли, маърифатли шахс сифатида камол топтиришда замонавий педагогик технологияларнинг роли беқиёс. Таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакалар жаҳон таълими андозалари талабларига жавоб беришини таъминлаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ушбу ишларни амалга оширишда лингвистик муаммоларни ҳал этиш ҳам, шубҳасиз, катта аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир тил халқларнинг маънавий бойликларини чуқурроқ эгаллаб олиш учун, миллатлар ва халқларнинг ҳаёти, тарихи, маданияти, психологиясини чуқур тушуниб олиш учун хорижий тилларни билиш алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳон миллатлари ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда бошқа хорижий тилларни билиш ҳам катта аҳамият касб этиши ҳаммамизга аён.

Маълумки, ўтмишда яшаб ижод этган ота-боболаримиз бир неча чет тилларини, жумладан араб, форс, иброний, санскрит, лотин, юнон ва бошқа тилларни билишга интилишган ва шу тилларда нодир асарлар ёзиб қолдиришган. Масалан, буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий араб, форс ва иброний тилларини мукаммал билган ва уч тилда – туркий, араб ва форс тилларида самарали ижод қилган. Бундай буюк истеъдодни Абу Али Ибн Сино, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фөробий ва бошқа буюк ватандошларимиз ижодида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Тарихдан бизга маълумки, буюк истеъдод соҳиби бўлган

бобокалонларимиз ўз илмий асарлари ва ижод намуналари билан дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшганлар. Қадим-қадимдан юртимиз шаҳарлари илм-маърифат ўчоғи сифатида дунёга донг таратганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бизга маълумки, инглиз тили дунёдаги энг кўп гаплашиладиган иккинчи тиллардан бири ҳисобланади. Кун сайин бу тилни ўрганувчилар сони ортиб бормоқда. Дунёнинг деярли ҳар бурчагида инглиз тилида гапирадиганлар ва бу тилни тушунадиганлар кўпчиликини ташкил этади. Инглиз тили шунингдек биринчи рақамли ахборот алмашинуви тили ҳисобланади. Шундай экан бу жадал суръатларда одимлаётган тараққиёт даврида давлатимиз бошқа давлатлар қаторида бўлиши учун ёш авлодга инглиз тилини ўргатиш жуда долзарб аҳамиятга эга. Бу ҳолатни тушунган халқимизда сўнги пайтларда инглиз тилини ўрганишга бўлган табиий эҳтиёж туғилмоқда. Бунинг учун мамлакатимиз таълим тизимида етарли шарт-шароитлар яратилган бўлиб, болаларга боғча ва мактабнинг биринчи синфлариданоқ инглиз тилини ўргатиш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида инглиз тили дарслари стандарт инглиз тили, яъни Буюк Британияда қабул қилинган талаффуз стандартлари асосида олиб борилади. Бу ўқувчиларга соф инглиз тилини, яъни унинг турли маҳаллий шева ва диалектларини қориштирмаган ҳолда ўрганишларини таъминлайди.

Инглиз тилининг дунёнинг жуда кўп ҳудудларида кенг тарқалганлиги ва турли минтақаларда турли халқ ва миллатлар томонидан сўзлашилганлиги унинг бир неча миллий вариант, шева ва диалектларга эга эканлигини кўрсатади. Социолингвистик нуқтаи назардан қаралганда, ҳозирги замонда инглиз тили дунёнинг етакчи полиэтник тилларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, бу тилда сўзлашувчи турли миллат вакиллари томонидан қўлланиладиган инглиз тилининг миллий вариантлари бир-биридан тилнинг бир неча сатҳларида ўзаро фарқланади. “Инглиз тилининг полиэтник

хусусиятлари” мавзуидаги магистрлик диссертациямда инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалган миллий вариантлари, уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишга ва мавзунини ёритишга ҳаракат қилдим.

**Мавзунинг долзарблиги:** Тадқиқот мавзусининг долзарблиги шундаки, ҳозирги замон инглиз тилининг полиэтник жиҳатлари замонавий инглиз тилшунослигининг муҳим йўналишларини ўз ичига олади. Инглиз тили бутун дунё миқёсида сўзлашиладиган глобал тил мақомига эга бўлиш билан бирга унинг турли миллат ва элатлар орасида шаклланган ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари мавжуд. Уларнинг у ёки бу аспекти тадқиқ қилинишига қарамай баъзи муҳим томонлари ҳануз тўла очиб берилгани йўқ. Унинг энг муҳим томонларини биз лингвокультурологик, лингвокогнитив, лингвостилистик, коммуникатив-прагматик, социолингвистик жиҳатларида кўришимоз мумкин. Социолингвистик нуқтаи назаридан қаралганда инглиз тилининг полиэтник жиҳатлари ва унга хос бўлган метатушунчалар, метаатамалар, шунингдек унинг метатили муаммоларини ҳал этиш тадқиқотчилар назаридан четда қолган.

**Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси.** Адабий инглиз тилининг худудлараро варианты мавзуси устида кўплаб олимлар изланишлар олиб борган. Улардан А.А.Абдуазизов, А.А.Гарнцева, Т.А.Расторгуева, И.П.Иванова, Л.П.Чахоян, О.В.Александрова, А.Д.Швейцер, И.В.Арнольд, Т.М.Беляева, И.А.Потапова, М.М.Маковский, Г.Б.Антрушина; Инглиз тилшуносларидан Бекс, Тоний, Ричард Ж. Ватс, Блейк, Бурридж, Бернд Кортманн, Кровлей, Кристал, Дуркин, Лаура, ЖС Веллс, Ҳиккей, Раймонд, Петер Трудгилл, Коллинс кабиларни санаб ўтиш мумкин. Америкалик олимлардан Ҳардер, С.Жайн, Томас Шеридан, W.Эдгар, Жеремий, Ҳадсон, Биндер, Девид, Волфрам, Валт лар ҳам ушбу мавзу устида иш олиб борган тадқиқотчилардан ҳисобланишади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари:** тадқиқот ишининг мақсади ҳозирги замонда турли минтақаларда қўлланилаётган инглиз тилига хос

бўлган эмпирик материаллар асосида унинг полиэтник хусусиятларини аниқлаш ва қиёсий жиҳатдан тадқиқ қилиш, изланишлар натижасидан келиб чиқиб тил ўқитиш методикасини ривожлантириш учун тегишли услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Илмий ишнинг вазифалари эса қуйидагилардан иборат:

- Дунёдаги полиэтник тилларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; уларнинг, хусусан инглиз тилининг полиэтник тил сифатида ривожланиш сабабларини аниқлаш;
- Ҳозирги замон адабий инглиз тили ва унинг инглиз тилида сўзлашувчи давлатлардаги аҳамиятини аниқлаш;
- Инглиз тилининг дунё миқёсида тарқалган миллий вариантларини, уларнинг ўзаро фарқларини грамматик, лексик ва фонетик сатҳда кўриб чиқиш;
- Инглиз тилининг этник хусусиятга эга бўлган фонетик бирликларни қиёслаш;

**Тадқиқот объекти ва предмети:** тадқиқот объекти сифатида ҳозирги замон адабий инглиз тили ва шу тилида сўзлашувчи бошқа халқлар орасида тарқалган замонавий инглиз тили олинади, унинг предмети бўлиб турли халқ ва этник гуруҳларга хос бўлган инглиз тилининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг материали** бўлиб инглиз тилининг полиэтник хусусиятларини акс эттирувчи, турли манбалар (оммавий ахборот воситалари, бадиий адабиёт, луғат ва оғзаки нутқ) дан олинган аутентик ва эмпирик мисоллар ҳизмат қилади.

**Илмий ишнинг методологик асоси** – услубиятини, Ўзбекистон республикаси президенти И. А. Каримовнинг илм-фан ва маориф ҳақидаги фармонлари, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, мамлакатимиз ва дунё етакчи олимларининг мавзуга оид яратган концепциялари ва олиб борган тадқиқот ишларини ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий таҳлил усуллари:** тадқиқотнинг илмий таҳлил усуллари сифатида қиёсий-типологик, структурал-семантик, лингвопрагматик, лингвостилистик, лингвокогнитив, лингвокултурологик, контекстуал, дедуктив, индуктив ва статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси** шундайки, унда биринчи бор инглиз тилининг дунё миқёсида тарқалган ва маълум халқларга хос бўлган жиҳатлари социолингвистик, қиёсий-типологик, структурал-семантик, коммуникатив-прагматик жиҳатлари тадқиқ этилди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи:** Илмий изланишнинг натижаларидан умумий, ижтимоий тилшунослик, таржимашунослик, қиёсий тилшунислик, тил ўқитиш методикаси курсларида фойдаланиш мумкин.

Илмий иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **БИРИНЧИ БОБ. Ҳозирги замон тилшунослигида полиэтник тиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари**

### **1.1. Замоनावий полиэтник тиллар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари**

Тил глобал тил мақомига барча давлатда тан олинадиган аҳамиятга эга бўлгандагина эришади ва бу асосан дунёнинг турли мамлакатларида кўп сонли аҳоли она тили сифатида сўзлашадиган тиллар мисолида яққол кўринади. Инглиз тили миқёсида олинганида, бундай ҳолат АҚШ, Канада, Британия, Ирландия, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка, қатор Кариб давлатлари, Осиё мамлакатлари ва бошқа бир қанча давлатларда кўриш мумкин. Испан тилининг Испаниядан ташқари асосан Лотин Америкасида жойлашган 20га яқин давлатда қўлланилиши ҳам юқоридаги фикрга мисол бўла олади. Шунингдек, тилдан фақатгина она тили сифатида фойдаланишнинг ўзи унга глобал тил мақоми бера олмайди. Бундай мақомга эга бўлиш учун тил дунёнинг бир қатор давлатларида биринчи, иккинчи расмий тил ёки асосий хорижий тил сифатида қўлланилиши лозим. Бунда тилдан она тили сифатида фойдаланувчиларнинг сони муҳим эмас.

Бирон бир тилнинг глобал тил мақомига эга бўлиши учун асосан 2 та муҳим омил аҳамият касб этади.

Биринчидан, ушбу тилдан дунёнинг бир неча мамлакатларида давлатнинг ҳукумат, суд, оммавий ахборот воситалари ва таълим тизими сингари муҳим соҳаларида асосий мулоқот воситаси сифатида расман фойдаланилади. Ҳозирги кунда бундай расмий тил мақоми Ҳиндистон, Нигерия, Сингапур, Гана, Вануати каби 70дан ортиқ давлатларда муҳим мавқега эга бўлган инглиз тили миқёсида намоён бўлади. Инглиз тилининг бундай расмий аҳамияти қатор давлатларда муҳим расмий аҳамиятга эга бўлган француз, немис, испан, рус ва араб тили эришган мақомдан анча фарқли.

Иккинчидан, тил дунёнинг бир неча давлатларининг чет тиллар ўқитиш доирасида етакчи ҳисобланиши мумкин, гарчи бу тил ушбу мамлакатларда расмий аҳамиятга эга бўлмаса-да. Бунда тил мамлакатнинг таълим муассасаларида болаларнинг кичик мактаб ёшидан бошлаб ўрганадиган асосий хорижий тили ҳисобланади. Бундан ташқари, тилнинг катта ёшли кишилар ўрганиши учун ҳам мамлакатда етарли имкониятлар мавжуд бўлади. Масалан, жанубий-шарқий Осиё давлатлари орасида мандарин хитой тили алоҳида аҳамият касб этади ва шу мамлакатларда бу тилнинг ўқитилишига кучли эътибор қаратилади. Ҳозирги даврда инглиз тили Хитой, Россия, Германия, Испания, Миср, Бразилия каби 100дан ортиқ давлатларда хорижий тил сифатида кенг кўламда ўқитилмоқда.

Юқоридаги кузатувлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, тилнинг бирор мамлакатнинг расмий тили бўлиши учун бир қанча омиллар мавжуд. Бирор мамлакатнинг расмий тили мақомига битта тил эга бўлиши мумкин, ёки бу мақом бир вақтнинг ўзида бир неча тилларга таалуқли бўлиши мумкин. Баъзан тил “ярим расмий” мақомга эга бўлиб, давлатнинг фақат айрим соҳаларидагина қўлланилиши мумкин, ёки маълум расмий аҳамиятга эга болиб, бошқа тилга нисбатан иккинчи ўринда бўлиши мумкин. Кўп давлатлар ўз конституциясида давлат тилини расман қайд этадилар (масалан, Ўзбекистон, Ҳиндистон), баъзи давлатларда эса бу ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилмаган (масалан, Британия).

Шу билан бирга бирор тилнинг маълум бир мамлакатда ўқитиладиган асосий хорижий тил сифатида танланиши учун бир неча сабаблар мавжуд: тарихий анъаналар, сиёсий мувофиқлик, тижорий, маданий ва технологик муносабатлар ва ҳ.к.,

Яхши таъминланган жамиятда, оммавий ахборот воситалари, кутубхона, таълим муассасалари орқали хорижий тил ўқитилишига эътибор қаратилади. Тилни ўқитувчи кадрлар сони ва малакасини оширишга давлат таълим

соҳасидаги устувор масалалардан бири сифатида қаралади. Китоблар, кўрғазмали қуроллар, телекоммуникация воситалари каби ўқув материалларининг мавжудлиги таъминланади. Юқорида санаб ўтилган имкониятларнинг барчаси ҳозирда мамлакатимизда мавжуд бўлиб, буларнинг бари давлатимизнинг юртимизда хорижий тилларнинг ўқитилишига бугунги даврнинг долзарб масаласи сифатида қараётганлигидан далолатдир. Баъзи давлатларда ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлашнинг етарли эмаслиги ва бошқа сабабларга кўра тил ўқитишга қўйилган мақсадга эришиш ортда қолади.

Бизга маълумки ҳеч бир жамият тилсиз бўлмайди ва шунингдек, тил ҳам жамиятсиз шаклланмайди, тараққий этмайди. Тил кичик бир қабила, камроқ сонли миллат бўладими ёки катта бир халқ бўладими, барчаси учун зарур бўлган муҳим мулоқот воситасидир. Баъзи тилларда жуда кам сонли кишилар сўзлашса, бошқа баъзиларида эса миллионлаб инсонлар сўзлашади. Полиэтник тил сифатида халқаро миқёсда сўзлашиладиган ва ўрганиладиган ҳамда кўп сонли кишилар томонидан иккинчи тил тарзида қўлланиладиган тил тан олинади. Полиэтник тил мақомига эришиш учун нафақат ушбу тилда сўзлашувчилар (она тили ва иккинчи тил сифатида) сони, балки унинг халқаро ташкилотлар ва дипломатик муносабатлардаги аҳамияти, шунингдек географик тақсимооти ҳам муҳим ўрин тутади. Буни биз дунёнинг турли минтақаларида кўп сонли кишилар томонидан қўлланиладиган инглиз, француз, рус, хитой, немис, испан тиллари мисолида яққол кўришимиз мумкин

Француз тили XX аср бошларига қадар Европанинг қатор мамлакатлари, Россия, Греция, Руминия, Болгария, Туркия, шунингдек, Миср, Ливан, Эрон, ва Жанубий Америка давлатларида, айниқса, зиёли тоифа вакиллари орасида аҳамиятли бўлиб, коммуникация ва дипломатик муносабатлар учун муносиб тил ҳисобланган, II Жаҳон урушидан сўнг аввалги нуфузини йўқотса-да, ҳануз кўплаб халқаро ташкилотлар учун ишчи тил ҳисобланади. Ҳозирда француз тили Франциядан ташқари Конго Демократик республикаси, Канада, Мадагаскар, Камерун сингари кўп сонли аҳолига эга бўлган мамлакатларда

расмий тил ҳисобланади. 2015 йил маълумотларига кўра француз тили ҳозирда дунёнинг 13 та мамлакатада ягона расмий тил сифатида, 16 та давлатида эса ярим расмий тил сифатида тан олинади.

Араб тили ўзининг халқаро аҳамиятига ислом дунёсида, хусусан, Ўрта Шарқ ва шимолий Африка давлатларида, шу билан бирга Араб дунёсидан ташқарида мусулмон жамиятларда (литургик) муқаддас тил сифатида эришди. Ҳозирда араб тили Алжерия, Судан, Ироқ, Морокко, Чад сингари қатор давлатларда ярим расмий тил сифатида, Миср, Саудия Арабистони, Яман, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания, Ливия, Оман, Қатар, Қувайт каби давлатларда расмий тил сифатида қўлланилади.

Стандарт хитой тили XX аср бошларига қадар Узоқ Шарқ Осиёсида тарихий лингва франка вазифасини ўтаган мумтоз хитой тилининг ўрнини эгаллади ва бугунги кунда нафақат Хитой давлатининг ўзида балки, океанorti давлатларида ҳам хитой тилининг турли шеваларида сўзлашувчи аҳоли вакиллари ўртасида умумтил ҳисобланади ва халқаро миқёсда иккинчи тил сифатида ўргатилади.

Рус тили собиқ Совет Иттифоқи даврида иттифоққа аъзо давлатларда расмий тил мақомида бўлган ва таълим муассасаларида бу тилни ўқитиш мажбурий ҳисобланган. Бироқ собиқ Совет Иттифоқининг парчаланиши тилдан фойдаланиш ва уни ўрганишга бўлган талабга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ҳозирда рус тили РСФСРнинг давлат тили бўлиб, бу тилда 150 миллион киши сўзлашади. Россия таълим вазирлиги 2013 йил декабрда берган маълумотларида сўнгги бир неча декада давомида рус тилида сўзлашувчилар сонининг 100 миллион атрофида камайганини таъкидлади.

Испан тили Испан империяси даврида қўлланилган асосий тил бўлиб ҳозирда ундан Испания ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида (Бразилия, Француз Гвинеяси, Гаити ва Кариб ороллари бундан мустасно)

фойдаланилади, шунингдек Америка Қўшма Штатларининг жанубий худудларида кенг миқёсда сўзлашилади.

Немис тили Европанинг катта қисмини қамраб олган худудда бир неча аср мобайнида, хусусан муқаддас Рим империяси даврида, кейинроқ эса Австрия-Венгрия ҳукмронлигида лингва франса вазифасини ўтади. У ҳануз халқаро илмий жамиятда ўз нуфузини йўқотмай, марказий ва шарқий Европа давлатларида иккинчи тил сифатида муҳим аҳамиятга эга. Немис тили Германия Федератив Республикасининг, Австрия Республикасининг давлат тили бўлиб, бу тилда сўзлашувчиларнинг сони 100 миллиондан ошади.

Ҳозирги Ҳиндистон Республикасининг давлат тили ҳисобланган ҳинд тилида 450 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Ҳиндистон субконтинентининг ҳинд, бенгал ва нисбатан кичикроқ доирада тамил тили минтақавий ва халқаро миқёсда эътироф этилган тиллар қаторига кирган асосий тиллари кўп сонли сўзлашувчиларга эга бўлса-да, бу асосан худудий кўрсаткичдир. Масалан, бой адабий тарихга эга бўлган бенгал тилида сўзлашувчилар сони (230 миллион сўзлашувчиси билан энг кўп сўзлашиладиган тиллар рўйхатида бешинчи ёки олтинчи ўринда) француз тилида она тили сифатида сўзлашувчилар сонидан кўпроқ. Бироқ француз тилидан китъалараро сўзлашиладиган тил сифатида халқаро савдо ва бошқа дипломатик муносабатларда фойдаланилади, шунингдек, дунё бўйлаб бу тилдан иккинчи тил сифатида фойдаланувчилар сони салмоқли. Бенгал тилида сўзлашувчиларнинг аксарияти маҳаллий бенгал халқи эканлигини инобатга олган ҳолда шунини таъкидлаш жоизки, ушбу тилнинг қўлланилиш майдони ўз худуди билан чегараланган.

Манбааларга кўра, тилнинг глобал тил мақомига эришиши учун қуйидаги хусусиятларни ўзида жамлаши керак:

- Кўп сонли сўзлашувчиларга эга бўлиш ;

- Салмоқли даражада тилдан иккинчи тил сифатида фойдаланувчиларга эга бўлиши (лингва франса вазифадида);
- Бир неча давлатларда расмий мақомга эга бўлиш;
- Дунёнинг бир неча ҳудудларида фойдаланилиши;
- Кўп миллатли жамиятларда муҳим аҳамиятга эга бўлиши;
- Хорижий тил сифатида ўқитиладиган бир ёки ундан ортиқ стандартларига эга бўлиши;
- Лингвистик аҳамиятга эга бўлиши;
- Халқаро савдо муносабатларида фойдаланилиши;
- Халқаро ташкилотларда фойдаланилиши;
- Илмий манбааларда қўлланилиши;

Бугунги кунда кенг кўламда сўзлашилаётган ва шиддат билан тарқалаётган тил, бу шубҳасиз инглиз тилидир. Сўнгги маълумотларга кўра дунё миқёсида 840 миллиондан ортиқ киши бу тилдан она тили ёки иккинчи тил сифатида фойдаланади. Шунингдек, 700 миллиондан ортиқ кишилар уни чет тили сифатида ўрганишмоқда, шундан 200 миллиондан ортиқроқ ўрганувчилар Хитой давлати ҳиссасига тўғри келади. Яна шуни қайд этиш лозимки, ўрганувчиларнинг тилни эгаллаганлик даражасини ва аниқ миқдорини аниқлаш ўта мураккаб. Ҳозирда инглиз тилидан дунёнинг барча қитъаларида турли халқлар ундан бизнес тили ёки халқаро тил сифатида фойдаланадилар. Инглиз тили Европа Иттифоқининг асосий тили, БМТнинг расмий иш юритиш тилларидан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган тадқиқот ишлари учун инглиз тили етакчи тил вазифасини ўтамоқда.

## **1.2. Инглиз тилининг полиэтник тил сифатида шаклланиши ва тараққий этиш омиллари**

Ҳинд-европа тиллар оиласининг ғарбий герман тиллари гуруҳига мансуб бўлган инглиз тили милoddан аввалги V-VI асрларда қадимий герман қабилалари бўлмиш инглиз, сакс ва ют тилларидан келиб чиққан. Инглиз тили Англиянинг Англо-Саксон қиролликлари ҳамда ҳозирги жанубий-шарқий Шотландия ерлари, аввалги Норзумбрия қироллигида вужудга келади. Инглиз тилининг тарихан ривожланишини 3 босқичга бўлиш мумкин: қадимги инглиз тили, ўрта асрлар инглиз тили, замонавий инглиз тили. Тилнинг ушбу уч босқичли тараққиёт фаолияти бевосита Британия ўтмишидаги маълум тарихий ходиса ва воқеалар билан боғлиқ, жумладан, инглиз тилининг жадал “французлашуви”га олиб келган норман босқини ва Британиянинг сиёсий, диний, ва иқтисодий ривожланиши ва бошқалар бунга мисол бўлади. Тарихий манбаларга кўра, қадимий инглиз тили VII-XI асрларда англосакс деб аталган ва 4 шевага бўлинган: нортумбрий, мерсий, уессек ва кент. IX-XI асрларда уессек шеваси асосида адабий инглиз тили шаклланган. Бу шевалар туркуми Буюк Британиянинг шарқий қирғоғига немис қабилалари бўлмиш англо-саксонлар томонидан келтирилган. “English” (инглиз) сўзи “Англес” сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу халқнинг аجدодлари юрти Ангелн, ҳозирги Шелсвиг-Холстейн бўлганлиги аниқланган. Христиан черкови ҳамда Европа тафаккур доирасининг асосий тили ҳисобланган лотин тилидан қадимий инглиз тилига жуда кўп сўзлар ўзлаштирилган. Викинглларнинг VIII ҳамда IX асрлардаги истилосидан кейин инглиз тили эски норз тилининг бир қисмини ўзлаштиради. Англиянинг XI асрда Нормандлар томонидан эгалланилиши норман франтсуз тилининг инглиз тили билан қоришишига олиб келди. Айнан шу сабабли инглиз тили луғавий ва имловий жиҳатдан роман тиллар гуруҳига алоқадор ҳисобланади. XII-XV асрларда Ўрта асрлар инглиз тилиси урғусиз унлиларнинг редуктсияга учраши натижасида феъллик сўз бирикмалари кўп

ўзгаришларга учраган. XVI-XVII асрларга келиб янги инглиз тили юзага келган.

Эндиликда инглиз тили тарихининг тўртинчи босқичи, яъни замонавий инглиз тили давридан сўнг глобал инглиз тили даври бошланди, десак муболаға бўлмайди. Тил ривожланишининг тўртинчи босқичи риторик номутаносибликларга эга бўлса-да, у инглиз тилининг глобал лингва франка мақомини эгаллашини ва замонавий дунёда инглиз тилини маданий, лингвистик, сиёсий, иқтисодий соҳаларнинг янги воситаси сифатида тан олинишини таъминлайди.

Инглиз тили луғат бойлиги жиҳатидан дунё тиллари ичида етакчи ўринларда туриши унинг глобаллашуви учун етарли таъсир этган. 1989 йилда чоп этилган 20 томдан иборат дунёдаги энг катта инглиз тили луғати ”English Oxford Dictionary” луғатига 615000 сўз киритилган. Агар ушбу рўйхатга инглиз тилдаги техника, илм-фан соҳасига тегишли бўлган сўзлар ва атамалар ҳам киритилса, рақам 1000000га яқинлашиши мумкин. Инглиз тили луғат бойлигига йилдан йилга янги сўз ва атамаларнинг кириб бораётгани уни янада кенгайтирмоқда. Манбааларда келтирилишича, инглиз тилининг фаол қўлланишда бўлган луғат таркиби 200000 та сўзни ўз ичига олади, бошқа тилларга таққослайдиган бўлсак бу кўрсаткич немис тилида 184000, француз тилида 100000 тани ташкил этади. Тилда синонимларнинг кўплиги унинг луғат бойлигини янада ранг-баранглигини таъминлайди.

Инглиз тилини жуда ҳам мослашувчан тил эканлиги уни ўрганишда ўзига хос қулайликлар яратади. Масалан, гапда сўз тартиби ёки аниқ нисбат ва мажхул нисбатнинг эркин мослашуви (*I invited John, John was invited by me*).

Инглиз тилининг дунё миқёсида кенг тарқалишини тилнинг қандай мақсадда ва даражада ўрганилиши ва қўлланилишига асосланиб, 3та муҳим доира ичида тартибланиш мумкин<sup>1</sup>:

1. **Ички доира** ўз ичига инглиз тили аҳолисининг асосий қисми учун она тили бўлган давлатлар: АҚШ (аҳолиси – 323 730 000), Буюк Британия (аҳолиси – 64 928 787), Канада (аҳолиси – 36 000 000), Австралия (аҳолиси – 24 000 000) ва Янги Зеландияни (аҳолиси – 4 600 000) олади. (жами миллион). Америка Қўшма Штатлари Буюк Британияга нисбатан 4 марта кўп инглиз тилида она тили сифатида сўзлашувчи аҳолига эга ва бу икки давлат биргаликда дунёдаги жами инглиз тилидан она тили сифатида фойдаланувчиларнинг 70 фоизини ташкил этади.

2. **Ташқи (кенг)** доира ўз ичига инглиз тили тарқалишининг илк босқичларида тилнинг турли сабаблар билан мамлакатга кириб бориб, унинг ҳукумат ташкилотлари ва билим даргоҳларида қўлланиладиган асосий тилга айланган ҳамда мамлакатнинг кўптилли жамиятларида муҳим "иккинчи" тил сифатида қўлланиладиган давлатларни олади. Ҳиндистон, Сингапур, Малави каби дунёнинг 60 дан зиёд катта ва кичик давлатлари ушбу доира таркибига киради (фойдаланувчилар сони - 300миллион афрофида).

3. **Ўсиб бораётган доира** таркибига кирувчи мамлакатлар тарихан ички доира мамлакатларининг мустамлакачилик фаолияти билан боғлиқлиги бўлмаган, лекин айна дамда инглиз тилининг халқаро аҳамиятини тан олган ҳолда мамлакатда тилнинг кенг тарқалиши учун имконият яратиб бераётган давлатлар киради. Ушбу рўйхат бошида Хитой, Япония, Исроил, Греция, Полша, Россия, Украина каби қатор мамлакатлар туради. Ушбу доирага кирувчи мамлакатларда инглиз тили хорижий тил сифатида ўқитилмоқда ва бундай мамлактлар сони жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Яна шуни қайд

---

<sup>1</sup> В. Kachru. The Alchemy of English: the spread, functions, and modes of non-native Englishes, University of Illinois Press, 1990.

этиш лозимки, мустақил Ўзбекистон ҳам ушбу доира таркибига кирувчи давлат ҳисобланиб, мамлакатда чет тилларнинг, хусусан, инглиз тилининг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг аҳолининг турли қатламлари орасида чуқур ўрганилиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Буюк Британиянинг XVII ва XX аср о'ртасидаги кучли ривожланиши ҳамда АҚШнинг XX асрдаги дунёвий тасири остида инглиз тилининг халқаро нуфузи ошди. Ҳозирги кунда дунё миқёсида инглиз тилидан давлат тили ёки иккинчи расмий тил сифатида фойдаланаётган давлатлар сони жами 83 тага етади.<sup>2</sup> Шундан 49 та давлатда инглиз тили ягона давлат тили, 34 тасида эса инглиз тили билан бирга яна бир ёки бир неча маҳаллий тиллар ҳам расмий тил сифатида қўлланилади. Ушбу рўйхатга Буюк Британия, АҚШ, Австралия каби аҳолисининг асосий қисми учун инглиз тили она тили ҳисобланган йирик давлатлар, Ҳиндистон, Бангладеш каби аҳолиси кўп мамлакатлар билан бир қаторда Фолкленд ороллари, Тувалу сингари кичик давлатлар ҳам киритилган. Чунки бу давлатлар ҳудуд жиҳатидан жуда кичик эканлиги ва кам сонли аҳолига эга бўлишига қарамай, уларнинг тарихий, иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёти бевосита инглиз тилида гапирувчи давлатлар билан боғлиқлиги тилнинг ушбу ҳудудларга тарқалиши ва мўтадиллашишига сабаб бўлган ва ҳозирда инглиз тили мамлакатнинг расмий тили ёки тилларидан бирига айланиб улгурган.

Қуйидаги берилган рўйхатдаги жами 49 та мамлакатда давлат тили сифатида фақат инглиз тилидан фойдаланилади ва аҳолининг асосий қисми инглиз тилида сўзлашади.

#	Мамлакат	Қитъа	Расмий тил	Аҳолиси
1.	АҚШ	Америка	Инглиз тили	323 730 000
2.	Нигерия	Африка	Инглиз тили	178 516 900
3.	Буюк Британия	Европа	Инглиз тили	64 308 261

<sup>2</sup> А.Ақбаров. Мамлакатлар. Фарғона, 2016

4.	Уганда	Африка	Инглиз тили	38 844 650
5.	Гана	Африка	Инглиз тили	26 442 178
6.	Австралия	Австралия	Инглиз тили	24 551 000
7.	Зимбабве	Африка	Инглиз тили	14 600 000
8.	Замбия	Африка	Инглиз тили	15 021 000
9.	Жанубий Судан	Африка	Инглиз тили	11 892 934
10.	Папуа – Янги Гвинея	Австралия	Инглиз тили	7 476 100
11.	Сиерра Леоне	Америка	Инглиз тили	6 205 380
12.	Янги Зеландия	Австралия	Инглиз тили	4 530 300
13.	Либерия	Африка	Инглиз тили	3 786 764
14.	Ямайка	Америка	Инглиз тили	2 705 800
15.	Намибия	Африка	Инглиз тили	2 348 000
16.	Гамбия	Африка	Инглиз тили	1 908 954
17.	Тринидад ва Тобаго	Америка	Инглиз тили	1 317 700
18.	Маврикий	Африка	Инглиз тили	1 295 800
19.	Фижи	Австралия	Инглиз тили	887 027
20.	Гаяна	Америка	Инглиз тили	735 554
21.	Соломон ороллари	Австралия ва Океания	Инглиз тили	572 865
22.	Багам ороллари	Америка	Инглиз тили	382 571
23.	Белиз	Америка	Инглиз тили	322 453
24.	Барбадос	Америка	Инглиз тили	286 066
25.	Сент Люсия	Америка	Инглиз тили	183 600
26.	Гуам	Европа	Инглиз тили	167 550
27.	Кирибати	Австралия ва Океания	Инглиз тили	103 950
28.	Сент Винсент ва Гренадина	Америка	Инглиз тили	109 370

29.	Гренада	Америка	Инглиз тили	109 000
30.	Американинг Виргиния ороллари	Осиё	Инглиз тили	106 792
31.	Микронезия федератив Штатлари	Австралия ва Океания	Инглиз тили	112 100
32.	Жерси ороллари	Евросиё	Инглиз тили	97 857
33.	Антигуа ва Барбуда	Америка	Инглиз тили	90 903
34.	Мен ороллари	Евросиё	Инглиз тили	87 780
35.	Доминика	Америка	Инглиз тили	72 340
36.	Бермуда ороллари	Америка	Инглиз тили	65 416
37.	Кайман ороллари	Америка	Инглиз тили	57 200
38.	Сент-Китс ва Невис	Америка	Инглиз тили	54 790
39.	Шимолий Мариана ороллари	Австралия ва Океания	Инглиз тили	55 070
40.	Маршалл ороллари	Австралия ва Океания	Инглиз тили	52 722
41.	Теркс ва Кайкос		Инглиз тили	39 800
42.	Гибралтар	Африка	Инглиз тили	30 000
43.	Британиянинг Виргиния ороллари		Инглиз тили	28 562
44.	Монтсеррат	Океания	Инглиз тили	5135
45.	Муқаддас Елена, Меърож ва Тристан- да Куня ороллари	Африка	Инглиз тили	4120
46.	Фолкленд ороллари	Америка	Инглиз тили	2800
47.	Шпитсберген ва Ян Маен	Европа	Инглиз тили	377
48.	Рождество ороли	Австралия	Инглиз тили	2072

		ва Океания		
49.	Кокос ороллари	Австралия ва Океания	Инглиз тили	596

Юқоридаги жадвалга асосан инглиз тилидан ягона давлат тили сифатида фойдаланувчи мамлакатларни қитъалар кесимида қуйидагича таҳлил қилиш мумкин:

1. Америка (Шимолий ва Жанубий) - 17та
2. Африка - 12 та
3. Австралия (Океания билан бирга) - 10 та
4. Европа - 6 та
5. Осиё - 1 та

Қуйида берилган жадвалдаги давлатларда инглиз тили билан бирга бошқа бир ёки бир неча маҳаллий тиллар ҳам расмий тил деб тан олинган бўлиб, аҳолининг тиллардан фойдаланиш кўрсаткичи жуда хилма-хилдир. Масалан, Ҳиндистонда давлат ва ҳукумат ишларини юритишда инглиз тилидан кенг фойдаланилади, аҳолининг эса 30 %га яқини инглиз тилида сўзлаша олади. Мамлакат умумий аҳолиси 1 283 651 000 кишини ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, биргина Ҳиндистонда инглиз тилидан фойдаланувчилар сони 385 000 000 дан ортади.

#	Мамлакат	Қитъа	Расмий тиллар	Аҳоли сони
1	Ҳиндистон	Осиё	Ҳинд, инглиз тили	1 283 651 000
2	Покистон	Осиё	Урду, инглиз тили	191 952 027
3	Бангладеш	Осиё	Бенгал, инглиз тиллари	159 903 698
4	Филиппин	Осиё	Тагал, инглиз тиллари	101 108 300
5	ЖАР	Африка	Инглиз, Африкаанс тиллари	54 956 900

6	Танзания	Африка	Суахили, инглиз тиллари	53 470 420
7	Кения	Африка	Суахили, инглиз тиллари	46 050 302
8	Канада	Америка	Инглиз, француз тиллари	34 798 000
9	Камерун	Африка	Француз, инглиз тиллари	23 344 179
1	Шри-Ланка	Осиё	Сингал, тамил, инглиз тиллари	20 715 010
1	Малави	Африка	Инглиз, чичева тиллари	16 310 431
1	Руанда	Африка	Киняруанда, инглиз, француз тиллари	11 262 564
1	Сингапур	Осиё	Малая, инглиз, хитой, тамил тиллари	5 469 724
1	Ирландия	Европа	Ирланд, инглиз тиллари	4 609 600
1	Пуерто-Рика	Америка	Испан, инглиз тиллари	3 548 397
1	Ботсвана	Африка	Инглиз, сетсвана тиллари	2 262 485
1	Лесото	Африка	Инглиз сесото тиллари	2 135 022
1	Свазиленд	Африка	Инглиз, свази тиллари	1 286 970
1	Мальта	Европа	Мальта, инглиз тиллари	429 344
2	Бруней	Осиё	Малая, инглиз тиллари	423 188
2	Вануату	Австралия ва Океания	Бислама, инглиз, француз тиллари	264 652

2	Самоа	Австралия ва Океания	Самоа, инглиз тиллари	193 228
2	Тонга	Австралия ва Океания	Тонга, инглиз тиллари	106 291
2	Сейшел ороллари	Африка	Инглиз, француз, креол тиллари	93 306
2	Гернси	ЕврооСИё	Инглиз, француз тиллари	63 085
2	Самоа ороллари	Америка	Самоа, инглиз тиллари	55 538
2	Кариб Нидерландияси	Америка	Нидерланд, инглиз тиллари	24 279
2	Палау	Океания	Белау, инглиз тиллари	21 291
2	Кук ороллари	Океания	Кук, инглиз тиллари	20 833
3	Англия	Америка	Инглиз, креол тиллари	14 614
3	Тувалу	Океания	Тувалу, инглиз тиллари	9 916
3	Норфолк ороли	Австралия ва Океания	Инглиз, норфолк тиллари	2 302
3	Ниуе	Австралия ва Океания	Ниуе, инглиз тиллари	1 610
3	Токелау	Австралия ва Океания	Токелау, инглиз тиллари	1 383
3	Питкери ороллари	Тинч океани	Инглиз, питкери ороллари	56

Бир неча миллат учун она тили вазифасида қўлланиладиган тил полиэтник тил ҳисобланади. Юқоридаги рўйхат бизга инглиз тилининг полиэтник тил сифатида қанчалик кенг ҳудудга тарқалганини турли миллат вакиллари томонидан қўлланилишини кўрсатади.

Полиэтник тиллардан бири ҳисобланган испан тили дунёнинг 20дан ортиқ мамлакатида 300 миллиондан ортиқ кишилар томонидан сўзлашилади. Испан тили тилнинг ватани бўлмиш Испаниядан ташқари Мексика, Марказий Америка, Венецуэла, Колумбия, Эквадор, Перу, Боливия, Чили, Аргентина, Уругвай, Парагвай каби қатор давлатларда расмий тил сифатида қўлланилиб, ушбу давлатлар испан тилининг лингвистик нуфузи юқори бўлган ҳудудлар саналади. АҚШ ҳудудида 30 миллиондан зиёд испан тилида сўзлашувчилар истиқомат қиладилар, уларнинг кўпчилигини мексикаликлар, шунингдек, кубаликалр ва пуерто-риколиклар ташкил этади. Испан тилининг дунё бўйлаб энг кўп тарқалган вариантлари бу Кастилия ва Лотин Америка вариантлари бўлиб, улар ўртасида сезиларли даражада фонетик фарқ мавжуд. Вариантлар орасидаги грамматик фарқ юқори даражада эмаслиги тилнинг турли вариант эгалари суҳбатида сезиларли тушунмовчиликка сабаб бўлмайди.

Кастилия вариантыда [s] ва [θ] товушлари фарқланади, Лотин Америка вариантыда эса фақат [s] товушининг ўзи талаффуз қилинади<sup>3</sup>:

	Кастилия варианты	Лотин Америка варианты
<b>Casa – (уй) –</b>	<b>[kasa]</b>	<b>[kasa]</b>
<b>Caza – (ов) –</b>	<b>[kaθa]</b>	<b>[kasa]</b>

Лотин Америка вариантыда [s] товуши бўғин охирида талаффуз қилинмайди ёки, кучсиз талаффуз қилинади.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, полиэтник тилларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири тилда турли хил талаффуз

<sup>3</sup> E. Hall., M. Charles. Pluricentric Languages. Cambridge University Press, 1999

вариантларининг мавжуд бўлишидир. Чунки бирдан ортиқ миллатлар томонидан қўлланиладиган тиллар бир неча миллий стандарт талаффуз вариантларига эга бўлади. Полиэтник тилнинг маълум бир миллатга тегишли бўлган талаффуз тури миллий вариант деб юритилади.

**Миллий вариант** — умумий ҳудуд, иқтисод ва маънавий бойлик билан бирга миллатни ташкил этувчи ижтимоий тарихий категория ҳисобланади. Миллатнинг ўзаро алоқа воситаси ҳисобланган миллий тил 2 шаклга эга: оғзаки ва ёзма. Миллий вариант қабила, элат тилларидан фарқланади. У, одатда, миллатни бирлаштириб турувчи ягона тил вазифасини бажаради. "Миллий вариант" тушунчаси тилнинг яшаш шаклларига алоқадордир, у тил мавжудлигининг алоҳида тури бўлиб, мавжудликнинг бошқа тур(лар)ига (уруғ, қабила ёки элат тилига), шунингдек, бошқа миллий вариантларга қарама-қарши қўйилиши (масалан, инглиз тилининг Канада ва Австралия вариантининг фарқланиши) мумкин. Ҳар бир миллат ўз тилига эга. Баъзан бир миллат бир неча тилга эга бўлиши мумкин: белгияликлар — бир миллат, лекин улар француз ва валлон тилларида сўзлашадилар. Швейцарияликлар — ягона миллат, лекин улар немис, француз, италян ва ретороман миллий тилларида сўзлашадилар. Аксинча, бир неча миллатлар бир тилдан фойдаланадилар, хусусан, АҚШ, Англия, Австралия ва бошқа инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда инглиз тилининг миллий вариантлари, яъни Британия инглиз тили варианты, Америка инглиз тили варианты, Австралия инглиз тили варианты каби бир неча вариантлар қўлланилади. Миллий вариантнинг ҳосил бўлиши узоқ ва мураккаб жараёндир. Миллий вариантнинг шаклланишидаги энг олий босқич миллий адабий тил ҳисобланади. Бироқ миллий вариант адабий тилдан фарқланиб, оғзаки нуқт ва халқ шеваларини ҳам ўз ичига олади.

Миллий вариантлар тузиб чиқилмайди, у қатор ички ва ташқи омиллар туфайли турли ўзгаришлар натижасида шаклланади. Миллий вариантларнинг шаклланишида сўзловчиларга хос бўлган этник хусусиятлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. С.И.Бернштейннинг фикрича, биз тўғри талаффуз қила оладиган

товушларнигина тўғри эшитамиз. Етарли даражада шаклланмаган артикуляцион кўникма нотўғри эшитишга олиб келади. Натижада сўзловчи ўз талаффузидаги хатоларни сезмайди ва талаффузнинг турли шакллари вужудга келади.

Миллий тил бир неча ҳудудий ва минтақавий стандартларга эга бўлади. Тилнинг маълум ҳудудда оғзаки қўлланишдаги хусусиятларини ўзида акс эттирган шакли шева ёки диалект деб аталади. Катта шева ва диалектлар лаҳжа деб юритилади. Тил ва шева ўртасидаги тавофут шартли бўлиб, гўё миллий тил ва адабий тил ўртасидаги фарққа ўхшашидир. Бу фарқланиш турли ҳудулардаги бир тилнинг турли кўринишидек туюлади. Тил ва диалектларнинг тавофути унда сўзлашувчиларнинг маданияти, психологияси, урф-одати ва миллий хусусиятларнинг ўзгачалиги билан изоҳланади. Британияда инглиз тилининг қуйидаги ҳудудий акцентларлари мавжуд: жанубий, шимолий, уелс, шотланд ва шимолий ирланд акцентлари. АҚШда 3 та асосий акцент гуруҳлари мавжуд: жанубий, ғарбий, шарқий. Маълум бир иқтисодий, сиёсий ва маданий сабаблар туфайли диалектлардан бири миллатнинг стандарт тилига айланади. Буни Лондон диалектининг қабул қилинган стандарт талаффуз(**received pronunciation**)га айланишида кўриш мумкин.

Бир-бирига ҳудудий яқин бўлган шевалар ўша тилга ўхшаш аломатлари билан ажралиб туради. Бир-биридан жуда узоқ ҳудудда тарқалган шевалар эса бошқа тилга ўхшаш аломатларга эга бўлади. Масалан, инглиз тилининг қатор Жанубий Осиё давлатларида, хусусан, Сингапур, Малайзияда тарқалган вариантлари Британия инглиз тили вариантыдан анча фарқ қилиб, маҳаллий тил хусусиятларини ўзлаштирган.

Буюк Британиянинг XVII-XIX асрларда олиб борган мустамлакачилик сиёсати туфайли инглиз тили ер куррасининг турли томонларига тарқади ва бир неча давлатнинг расмий тилига айланди. Инглиз тили бир неча миллатлар учун она тили, шунга кўра унинг қуйидаги миллий вариантлари фарқланади: Британия инглиз тили варианты, Америка инглиз тили варианты, Канада

инглиз тили варианты, Австралия инглиз тили варианты, Янги Зеландия инглиз тили варианты. Ушбу миллий вариантларнинг барчаси инглиз адабий тилининг меъёрларига асосланган ҳолда ўзига хос бўлган хусусиятларни ҳам сезиларли даражада намоён этади.

## **ИККИНЧИ БОБ. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар ва улардаги инглиз тили миллий вариантлари**

### **2.1. Британия инглиз тили вариантнинг тарқалиш ҳудудлари**

Дастлаб инглиз тили Англия ва жанубий-шарқий Шотландияда сўзлашилган. Кейинроқ Шотландиянинг анчагина катта қисмига ва жанубий Ирландияга тарқалган. XVII-XVIII асрларда инглиз тили асосан Англиянинг ғарбидан Шимолий Америкага олиб келинган. Кейинроқ, яъни XVIII ва XIX асрларда мустамлакачиликнинг кенгайиши натижасида инглиз тили Австралия, Янги Зеландия ва Жанубий Африкага ёйилди. Бу ҳудудларга эгалик қилиш, тадқиқ этиш ва доимий яшаш учун келган муҳожирилarning аксарияти Англиянинг жанубий-шарқий ҳудудларидан эди.

Айнан шу даврда инглиз тили Уэлсда кенг тарқалди. Уэлс инглиз тили варианты тузилишида Уэлш тилининг таъсири катта бўлишига қарамай, унинг жанубий инглиз тили билан ўхшаш жиҳатлари талайгина. XX аср бошларидан инглиз тили Канада, Лотин Америкаси ва Бермуд оролларига ҳамда дунёнинг бошқа қисмларига тарқала бошлади. шунга кўра ҳозирда инглиз тили

Британиялик диалектологлар (П. Трудгилл, Ж. Ҳанна, А. Хюгес ва бошқалар [Хюгес, Трудгилл 1980; Трудгилл, Ҳанна 1982] инглиз тилининг Британия вариантыга асосланган инглиз тилининг Уэлс, Австралия, Янги Зеландия вариантларини ҳамда Америка вариантыга асосланган инглиз тилининг Америка варианты ва Канада вариантини ажратадилар. Шотландия ва Ирландия вариантлари юқоридаги ҳар иккала гуруҳга қайсидир хусусиятлар туфайли мос келиши аниқланган.

Инглиз тили диалектологиясига назар ташлайдиган бўлсак, XII асрдаёқ Лондон ва унинг атрофида турли диалектларнинг мавжудлиги ҳақида манбалар қайд этилган. XIX асрдан бошлаб қатор диалект луғатлари чоп этила бошлаган.

Тилшунослар сўзларнинг илк шаклларини сақлаган ҳолда диалектларни ҳам ўргана бошлашди. XIX аср давомида бутун дунё бўйлаб олиб борилган

Ўрганишлар натижасида 1905 йилда Жозеф Райт томонидан олти жилддан иборат бўлган “English Dialect Dictionary” китоби нашр этилди. Ушбу асар ҳали-ҳануз инглиз диалектологияси соҳасида асосий ва таянч материал ҳисобланади

Бирор шахснинг маълум вазиятларда, масалан, ишда ёки ўқишда, қабул қилинган талаффузда гапириши ва бошқа норасмий ҳолатларда маҳаллий акцентда сўзлаши мумкин. Бундай феномен *диглозия* деб аталади. Лекин бу билингвизм хусусиятларидан мутлақо фарқли ҳодисадир. Демак, ҳар бир ижтимоий жамият ўз ижтимоий диалекти ва акцентига эга.

Биргина Британия оролларида стандарт инглиз талаффузи қуйидаги худудий бирликларига бўлинади:

1. Жанубий инглиз талаффузи;
2. Шимолий инглиз талаффузи
3. Стандарт шотланд талаффузи
4. Уэлс инглиз талаффузи
5. Шимолий ирландия инглиз талаффузи

Британия оролларидаги барча талаффуз турлари ичида Жанубий инглиз талаффузи миллий талаффуз стандартларига мос келади. Англиядаги шевалар қуйидаги тарзда гуруҳланиши мумкин:

1. Жанубий акцентлар
  - 1) Жанубий акцентлар (юқори Лондон, Кокний, Кент, Серрей, Эссекс, Ҳертфордшир, Букингемшир);
  - 2) Шарқий Англия акцентлари (Линсолншир, Норфолк, Сеффолк, Камбрижшир, Бердфордшир, Нортхемптоншир, Лейсестершир);
  - 3) Жанубий-ғарбий акцентлар (Глоусестершир, Эвон, Сомерсет, Вилтшир);
2. Шимолий ва марказий акцентлар
  - 1) Шимолий акцентлар (Нортумберленд, Дурхем, Клевленд);

- 2) Йоркшир акцентлари;
- 3) Шимолий-Ғарбий акцентлар (Ланкашир, Чешир);
- 4) Ғарбий марказий ерлар (Бирмингем, Волверхемптон).

Англиядаги маҳаллий ностандарт диалектлар сони ҳам талайгина. Улар куйидаги асосий категориялар асосида бўлинади ва ҳар бири ўз ичига бир неча гуруҳларни олади:

- a) Шотландия диалектлари (9 та гуруҳ)
- b) Ирландия диалектлари (3 та гуруҳ)
- c) Англия ва Уэлс диалектлари 5 та бўлинмани ўз ичига олади:
  - 1.Шимолий (9 та гуруҳ)
  - 2.Марказий графлик (3 та гуруҳ)
  - 3.Шарқий (5 та гуруҳ)
  - 4.Ғарбий (2 та гуруҳ)
  - 5.Жанубий (10 та гуруҳ)

Шунингдек, кам сонли кишилар томонидан қўлланиладиган маҳаллий ижтимоий диалектлар ҳам мавжуд.

Шунингдек Лондон шаҳрининг ўзида ҳам Кокней акценти, ҳамда кўпмиллатли Лондон аксенти ҳам кенг қўлланилади.

**Уэлс инглиз тили варианты.** Бизга маълумки, Уэлс билингиал ҳудуд хисобланади. Тилшуносликда нутқдаги бундай ҳолат **эксоглоссия** деб аталади. Уэлсда инглиз тили асосан шаҳарлар аҳолиси томонидан сўзлашилади. Мамлакатнинг ғарбий ва шимолий-ғарбий қисмларида асосий қўлланиладиган тил уэлш тили бўлиб, бу ҳудудларда инглиз тили иккинчи тил сифатида мактабларда ўқитилади. Ҳозирги кунда мамлакат аҳолиси томонидан миллий ифтиҳор белгиси сифатида уэлш тилидан тобора кўпроқ фойдаланилаётганлиги ҳақиқатдир.

Инглиз тилининг Уэлсда қўлланиладиган тури қабул қилинган стандарт талаффуздан кескин фарқловчи алоҳида ўзига хосликка эга эмас. Бундаги асосий фонологик фарқни қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

1. [æ] ва [a:] товушлари; **last, dance, chance** каби сўзларда [a:] товуши ўрнига [æ] қилиниши;
2. урғусиз ортографик "a" [ə] товуши ўрнига [æ] талаффуз қилиниши; **sofa** [ʔsə:fæ]
3. [ʌ] ва [ə] товушлари талаффузида фарқ сезилмайди: **rubber rubber** ['rəbə];
4. [i] сўз охирида узун унли сифатида талаффуз қилинади: **city** ['siti:];
5. **tune, few, used** каби сўзларда [iu] талаффузи сезилади: **tune** [tiun];
6. [ei], [zu] дифтонглари монофтонгларга айланиши: **bake** [bɛ:k], **boat** [bɔ:t];
7. [iə], [uə] унлилари одатда инглиз тилининг Уэлс вариантыда учрамайди; **fear** ['fi:jə], **poor** - ['pu:wə]

Инглиз тилининг Уэлс варианты интонациясига уэлш тили ўзининг кучли таъсирини ўтказган.

Уэлсдаги қадимий инглиз тилига мамлакат аҳолисининг 20 фоизидан кўпроғи она тили сифатида гапирадиган уэлс тили фонологиясининг таъсири кучли бўлган. Шимолий Уэлс акценти жанубий Уэлс акцентидан фарқли бўлиб, шимолий-шарқий Уэлсда скоуз ва Шелшир акценти аҳамиятга эга . Жанубий Уэлс чегараларида мавжуд бўлган акцентларга Ғарбий округ акцентлари ўз таъсирини ўтказган. Жанубий Уэлс водийларида кенг қўлланиладиагн *Уинглиш* инглиз ва уэлс тиллари қоришиғидан таркиб топиб шаклланган.

Жанубий Уэлс водийлари диалектларидан фарқли ҳисобланган Кардиф диалекти ўзига хос элементларга эга:

- [iə] товушининг ўрнига [жə:] товушини талаффуз қилиниши: *here* [hiə] - [hjə:] ёки [jə:] тарзида талаффуз қилинади
- *Love* ва *other* сўзларидаги [ʌ] товушининг ўхшаш талаффузи
- [ɑ:] товуши ўрнига [æ:] товушини талаффуз этилиши, масалан, *Cardiff* ['ка:диф] сўзи *Каҳдифф* ['кæ:dif] тарзида талаффуз қилинади.

### Шимолий Ирландия инглиз тили варианты

Ирландияда сўзлашиладиган инглиз тилини тадқиқ этишга киришилганида энг аввало шуни қайд этиш лозимки, тарихий омилларга кўра Шимолий Ирландияда инглиз тилининг талаффуз стандартлари бир-биридан фарқланади.

Ўрта асрларда Ирландия аҳолисининг деярли бари ирланд тилида сўзлашган. Аммо ҳозирги кунда ирланд тили мамлакатнинг расмий тили бўлишига қарамай ирланд тилида сўзловчилар сони нисбатан камайган ва улар асосан чекка ҳудудларда истиқомат қиладилар. Жанубий Ирландияга инглиз тили Англиянинг Ғарбий Мидлендс ҳудудларидан кириб келган ва ҳануз ўзида унга хос бўлган жиҳатларни намоён этади.

Оролнинг шимолий қисмлари ва Белфаст шаҳрига хос бўлган инглиз тили бу ҳудудларга XVII асрда Шотландиянинг жанубий-ғарбий қисмларидан кириб келган. Шимолий Ирландияда инглиз тилининг ҳомогеноус (бир турли) эмаслигини кўриш мумкин. Шимолий ҳудудларда шотланд тилининг кучли таъсири сезилади.

- 1. [ɔ:] ва [ɒ] товушлари фақатгина [p, t, k] ундошларида олдин келганда фарқланади;
- 2. унлилар орасида [ð] талаффузи туширилади: *mother* ['mɔ:əɪ];
- 3. [t] ундоши [d] тарзида талаффуз қилинади: *city* ['sidi:]

Шимолий Ирландия енти турли вариантларни ўз ичига олган хилма хилликка эга: Норзумберленд, Каунти Дурим, Тиссайд, Ньюкасл апон Тайн, Сандерленд, Кумбрия, Ланкашир; ҳудудий вариантлар: Берроу-ин-Фюрнс, Болтон, Бурнли, Блекбурн, Манчестер, Престон, Файлд, Ливерпул ва Уиган. Йоркшир акценти юқоридагилардан фарқли бўлиб, у Ёркширнинг 3 та тарихий графликлари (Йоркшир шимолий графлиги, Йоркшир ғарбий графлиги, Йоркшир шарқий графлиги) шевалари билан боғлиқ.

Ирландияда турли акцентларни ўз ичига олган қуйидаги гуруҳлар фарқланади: 1) Дублин ва унинг шарқий ҳудудлари (бу ерларда Британия мустамлакасининг илк даврларидан буён инглиз тилида гапирилган); 2) Алстер акцентлари, Гейлик тилининг кучли таъсирига эга; 3) ғарб, жануб, ўрта ерларнинг турли акцентлари;

Алстер акценти икки асосий катта гуруҳга эга: Ўрта Алстер инглиз тили ва Алстер шотланд тили. Алстернинг 9 та округида ва Лоут ва Лейтрим каби шимолий округларда инглиз тилида гапирилади. Шотланд тилининг баъзи хусусиятлари Алстер акцентларида ҳам сезилади.

- Шотландиядаги каби, [ʊ] ва [y] унлилари қоришиб кетган, масалан, *look* ва *Luke* сўзлари омофон сўзлар ҳисобланади;
- [aʊ] дифтонги [əʊ] тарзида талаффуз қилинади, лекин Белфастдаги турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида фарқ сезилади;
- Белфастда [eɪ] очик бўғинда монофтонг, (масалан, *day* [dɛː]), аммо ёпиқ бўғинда дифтонг ҳисобланади.
- [r, ər] товушларидан олдин алвеолар /t, d/ товушлар дентал ундош товушларга айланади, масалан, *tree* ва *spider*
- [t] урғусиз бўғиндан олдин флаппинг [ɾ] товушига айланади, масалан, *eighty* ['eəgɪ]

Ирландия республикаси: Коннакт, Лейнсте, Мунстер уч провинциянинг акценти Лаос, Килдеа, Оффайл округлари акцентининг бир маромдаги оҳанги ва Маё ва Гелвей округларининг юмшоқ акцентларидан анча фарқ қилади.

Инглиз тилида гапирувчиларнинг турли акцентлари ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб туради. Манчестердан 16 км узоқликда жойлашган Болтон, Олдҳам ва Салфорд шаҳарчаларининг ҳар бири Ланкашайр шевасига асосланган ўз акцентига эга бўлиб, уларнинг бари ўзаро номувофиқликка эга.

### **Шотландия инглиз тили варианты**

Баъзи тилшунослар инглиз тилининг Шотландияда сўзлашиладиган турини алоҳида миллий вариант деб ҳисоблайдилар. Бир гуруҳ тилшунослар томонидан эса бу диалект сифатида тан олинади. Инглиз тили Англияга кириб келганидан буён Шотландияда қўлланилиб келинади. Шимолий ва ғарбий Шотландиянинг баъзи ҳудудларида минглаб сонли аҳоли учун Гайлик тили она тили вазифасини ўтайди. Ушбу тилнинг стандарт шакли мамлакатдаги реформацияларга қадар адабиёт ва суд ишларида асосий расмий тил вазифасини ўтаган. Кейинчалик унинг ўрнини инглиз тили эгаллади. Лекин, Роберт Бернс каби мамлакатнинг машҳур ёзувчи ва шоирлари ўз она тилларини сақлаган ҳолда ижод қилганлар.

Шотланд инглиз тили акцентлари Модерн Скотс диалектлари намуналарига ўхшаш жиҳатларга эга. Шотланд талаффузига хос баъзи жиҳатлар унинг бошқа инглиз диалектларидан фарқлайди. Шотландлар *come* [кэм] сўзи талаф. Бундай талаффуз шакли шимолий Кумбрияга қарашли шимолий Эскнинг жанубий ҳудудлари, Бамбургнинг шарқий соҳилларигача тарқалган.

Ҳозирда Шотландияда зиёли кишилар томонидан қўлланиладиган инглиз тилининг стандарт шотланд варианты стандарт инглиз тилидан грамматик ва лексик сатҳда фарқ қилмаса-да, бунда аниқ шотланд акценти

сезилади. Шунингдек, Шотландияда мавжуд бўлган қатор ностандарт диалектлар ўзида шотланд тилининг хусусиятларини акс эттиради ва инглиз тилининг бошқа вариантларидан кескин фарқ қилади:

1. шотланд тили унлиларида чўзиқлик фарқланмайди, шунинг учун **pool-pull, caught - cot** сўзларида унлилар талаффузи мутлақо бир хилдир. Лекин, урғули очик бўғинда унлилар чўзилиши рўй бериси кузатилади.
2. стандарт талаффуздан фарқли тарзда [æ] - [a: (a)] товушларида фарқ сезилмайди: **hat [hat], dance [da:ns]**.
3. стандарт талаффуздаги [au] товуши [u:] тарзида талаффуз қилинади: **house [haus - hu:s]**
4. [ɒ] ва [zu] товушлари ўзаро фарқланмайди: : **socks, soaks - [soks], not, note - [not]**
5. **do** феъли, **to** предлоги [də], [tə] тарзида талаффуз қилинади;
6. **arm, after, grass** каби сўзларда [a:] товуши ўрнига [ɛ] талаффуз қилинади : **after ['ɛftə]**.
7. **-ing** қўшимчаси [in] тарзида талаффуз қилинади;
8. [θp] нинг ўрнига [ʃ p] талаффуз қилинади: **through [ʃru:]..**

## **2.2. Инглиз тилининг қитъалараро ҳудудий вариантлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари**

### **А) Инглиз тилининг Америка қитъасида тарқалган вариантлари**

XVII аср бошларида янги қитъага олиб келинган инглиз тили ўтган даврлар мобайнида стандарт инглиз тилидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқлана бошлади. Ушбу жиҳатларни асосан фонетик ва лексик сатҳда, шунингдек, баъзи қоидаларга асосланган грамматик сатҳда ҳам кўриш мумкин. Лекин, булар инглиз тилининг икки кўриниши алоҳида икки тил дея тан олинishi учун етарли сабаб бўла олмайди. Шунинг учун Шимолий Америкада кўлланиладиган инглиз тили инглиз тилининг Америка миллий варианты деб номланади.

Инглиз тилининг Америка варианты Британия варианты билан таққосланганда нисбатан кам сонли ҳудудий шева ва диалектларни намоён этади. Буни тақозо этувчи қуйидаги тарихий ва ижтимоий омилларни ҳисобга олиш даркор деб ўйлаймиз: Америкага олиб келинган илк стандарт инглиз тилининг ҳали ҳам амалда эканлиги; кўп сонли аҳоли, ички миграция ва ҳ.к. Тилнинг фонетик сатҳи кўриб чиқилар экан, унинг бир турли эмаслигини аниқлаш мумкин.

Ҳозирда Америка Қўшма штатларида 3 та маданийлашган нутқ турлари фарқланади: Шарқий, Жанубий, Ғарбий ёки Умумий Америка диалекти.

1. Умумий Америка инглиз тили (Шимолий Америка тури ёки Ғарбий Америка тури деб ҳам юритилади) акценти - Ғарбий Оҳайодан бошлаб ўрта ғарбий ва Тинч океани соҳилларидаги штатларгача ўз ичига олади. Бу акцентларда жанубий ва шарқий акцент хусусиятлари сезилмайди.<sup>4</sup> Инглиз тилининг Умумий Америка тури АҚШда стандарт талаффуз сифатида қабул қилинган. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлган. Умумий Америка тури радио

---

<sup>4</sup> Shaxbagova, J. Varieties and dialects of English. Moscow State Foreign Languages Press, 1982, 115

ва телевидение миқёсида қўлланиладиган тур ҳисобланади, шунингдек, илмий, маданий ва тижорий соҳаларда олиб бориладиган ишларнинг асосий қисмида ундан фойдаланилади.

2. Шарқий тур диалекти Янги Англия штатлари ва Нью Йорк шаҳрида сўзлашилади. Унда жанубий диалектга хос айрим хусусиятлар намоён бўлса-да, унинг ўзига хос бўлган жиҳатлари ҳам аҳамиятга моликдир.

3. Жанубий Америка акцентлари АҚШнинг жануби ва жанубий-шарқий штатларида фойдаланилади ва ўз ичига Виржиния, Шимолий Каролина, Жанубий Каролина, Теннеси, Флорида, Алабама, Жоржия, Миссисипи, Арканзас, Луизиана, Техас штатлари ва Мериленд, Ғарбий Виржиния ва Оклахоманинг баъзи қисмларини олади. Ушбу тур диалектлари ўзининг муҳим жиҳати – талаффузда унлиларнинг чўзилиши, яъни унлилар талаффузининг махсус шаклига эга. Бунда баъзан соф унлиларнинг дифтонг ёки ҳаттоки трифтонгга айланишиши кузатилади.

Ақшдаги стандарт талаффуз борасидаги фикрлар жуда хилмахилдир. Баъзи олимлар Умумий Америка акцентини мамлакатнинг миллий стандарт талаффузи деган фикрни тасдиқлайдилар, баъзи тилшуносларлар эса аксинча, мамлакатда ҳеч қандай миллий талаффуз стандарти мавжуд эмас деган фикрни берадилар. Аммо, бир неча тасдиқланган фактларга кўра Умумий Америка акценти мамлакат оммавий ахборот воситалари томонидан қўлланилади.

Умумий Америка акценти талаффуз меъёрларини таҳлил қилиб унлиларнинг қуйидаги хусусиятларини аниқлаш мумкин:

1. Умумий Америка шевасида унлиларнинг чўзиқ ёки қисқалигини таъминловчи қатъий тавофутлар мавжуд эмас. Лекин баъзи америкалик фонетиклар Умумий Америка шевасида маълум унлиларнинг чўзиқ эканлигини таъкидлайдилар: **[i:] seat** сўзида, **[u:] pool** сўзида.

2. Унлилар артикуляциясининг доимийлик классификацияси Умумий Америка шевасида мунозарали мавзу ҳисобланади. Ушбу шевада баъзи дифтонглар бифонемик бирикма ҳисобланади. Умумий Америка шевасида фонемалар сонида ҳам номутаносибликлар мавжуд, яъни улар 3 тадан 12 тагача деган турли фикрлар мавжуд. Д.А.Шахбагова Умумий Америка шевасида 5 та дифтонгларни санаб ўтади: [ei], [ai], [ɔi], [au], [ɔu]<sup>5</sup>.

3. Умумий Америка шевасидаги дифтонглар ва унлиларнинг турлича талқин этилишининг муҳим сабаби унли ва ундош ўртасида ёки унли ва силенсе ўртасида [r] товушининг талаффузи билан боғлиқ: **rurn** [tʰ:rn], **bird** [bɜ:rd], **star** [sta:r].

3. Ч. Томас [r] унлидан кейин келса ва сўзни якунласа бу товушнинг ундошлаганлигини ва бўғинсиз эканлигини таъкидлайди. **far** сўзидаги [r] товуши британиянинг қабул қилинган талаффуз стандартидаги [fa:] сўзидагига нисбатан бўғинни аниқроқ ёпади. Бундан ташқари, **bird**, **murmur** каби сўзларда унлидан кейин ва ундошдан олдин келганда [p] вокал ва унинг унлига ўхшаш талаффузи кузатилади. Ч. Томас бундай ҳолларда **bird**, **murmur** каби сўзларнинг транскрипциясини [brd], [mrmr] шаклида ёзишни таклиф этади. Бунда [r] бўғин ичида унли товуш талаффузини, шунингдек, бўғин хусусиятини ҳам таъминлайди. В.А.Василев буни бўғинли [r] эмас, аксинча, сўзнинг унли товуши деб таърифлайди: **bird** - [z:], **corn** - [ɔ:].

4. Умумий Америка вариантыда унлилар талаффузининг яна бир ўзига хос жиҳати уларнинг насал ундошлардан кейин келганда насализациялашувидир. Бу ҳолат одатда америкача twang деб номланади ва кўп ҳолларда тасодифий бўлгани учун фонемик транскрипцияда кўрсатилиши шарт эмас.

5. Умумий Америка вариантыда олд унлилар талаффузи Британиянинг Қабул қилинган талаффуз стандартларидан фарқи шундаки, [i] сўз охири ҳолатида (**very**, **pity** сўзларида) ҳаттоки дифтонгга айланиши мумкин. [e]

---

<sup>5</sup> Shaxbagova, J. Varieties and dialects of English. Moscow State Foreign Languages Press, 1982

унлиси эса Умумий Америка вариантыда кўпроқ очик саналади ва [p], [t], [k] ундошларидан олдин дифтонглашуви мумкин: : *let* [lɛət].

6. Умумий Америка вариантыда мавжуд 4 та аралаш ва марказий унлилар [ɜ], [ə], [ʌ], [a] қабул қилинган стандарт талаффуз унлиларида артикуляцияда фарқланади.

7. Британиянинг Қабул қилинган талаффуз стандартидаги [ɜ], [æ], [ɔ:] унли Умумий Америка вариантыда [a] анд [æ] унлилари билан ифодаланади. Бу эса ҳар иккала вариант ўртасидаги артикуляцион фарқни келтириб чиқаради кўплаб сўзларда намоён бўлади. Масалан:

Қабул қилинган стандарт талаффуз Умумий Америка варианты

<b>Dad</b>	[æ]	[æ]
<b>Dog</b>	[ɔ]	[a]
<b>Path</b>	[a:]	[æ]
<b>Danse</b>	[a:]	[æ]
<b>Half</b>	[a:]	[æ]

Тадқиқотлар натижасида америкаликларнинг 2/3 қисми [r] товушини талаффуз этадилар ва 1/3 қисми эса уни талаффуз қилмайдилар. Шунга кўра Умумий Америка шеваси ротик ҳисобланади. Масалан, **far**, **core** сўзларида бундай ҳолат яққол сезилади.

Инглиз тилининг Америка вариантыни Буюк Британия вариантдан фарқини шу билан изоҳлаш мумкинки, Шимолий Америкага дастлаб кўчиб келганлар (1607) Лондон ва унинг атрофидан, кейингилари эса Шимолий Британия ва Ирландиядан келишган. АҚШ инглиз тили вариантыда Британиядаги сингари ёрқин ифодаланган шевалар йўқ. Профессор Х. Курат таҳрири остида чиққан "АҚШ ва Канаданинг тилшунослик атласи"да (1939) етти шева, шу жумладан, тарқалиши ҳудуди жиҳатидан энг салмоқли бўлган АҚШнинг марказий ва шимолий вилоятлари шевалари ажратиб кўрсатилган; у АҚШда асосий адабий меъёр ҳисобланади. Инглиз тилининг Америка ва Буюк

Британия вариантлари ўртасидаги фарқ лексикада ва маълум даражада фонетикада намоён бўлади; грамматикадаги фарқ сезиларли эмас.

Британия ва Америка инглиз тили вариантлари ўртасида кенг тарқалган орфографик хилма-хилликни ҳам тартибли тизим асосида ҳам махсус ўзига хосликда кўриш мумкин. Масалан, Британия инглиз тили вариантыда мавжуд бўлган *favour*, *colour* сўзлари Америка вариантыда *favor*, *color* шаклида ёзилади. Идиосинкразик орфографик қоидаларни *tyres* – *tires*, *kerb* – *curb* сўзларида учратиш мумкин. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Британия билан ўзаро тарихий боғлиқлик туфайли Канадада қўлланиладиган инглиз тили Британия инглиз тили вариантынинг орфографик қоидаларига асосланади. Аммо кўп ҳолларда бу тавофут оғзаки нутқда намоён бўлмайди.

Британия ва Америка инглиз тили вариантлари ўртасидаси асосий фарқ қуйидаги принципларга асосида кўриш мумкин.

Унли ва ундош товуш талаффузи, шунингдек, сўзнинг урғу ва оҳангидаги фарқ Британия ва Америка шеvasининг вужудга келишига сабаб бўлган асосий омиллардан биридир.

- Ротик (товушлар талаффузининг бузилиши) акцентнинг мавжудлиги
- Унли товушлар талаффузидаги хилмаҳиллик. Бу айниқса, [əʊ] дифтонги, [ɒ], [æ], [ju:] товушларининг талаффузида сезилади.
- Ундош товушлар талаффузидаги ноўхшашлик. **t** ҳарфининг турлича талаффузи бунга мисол бўлади.
- Урғудаги фарқ. Асосан француз тилидан кириб келган сўзлар, **-ate** ва **-atory** каби маълум суффикслардаги урғу орқали намоён бўлади.
- Артикуляциядаги фарқ – Америка инглиз тили вариантыда урғусиз бўғинларни аниқ талаффуз этишга мойиллик бўлса, Британия вариантыда бу ҳолат сезилмайди.
- Инглиз тилининг Америка вариантыда сўз бошида ёки унлилар олдида (инициал ор превосалис поситион) жами 39 та ёндош ундош келади: [pr,

tr, fr, gr, dr, kr, r, br, r, st, sp, sm, sk, sn, sf, sl, pl, kl, bl, fl, gl, dw, kw, tw, sw, hw, w, fj, kj, mj, bj, pj, vj, hj, str, skr, spr, spl, skw]<sup>6</sup>.. Инглиз адабий тили талаффуз нормаси (ресеивед пронунсиатион)да эса юқоридаги ёндош ундошлардан [xw] учрамайди.

Ҳар иккала вариант ўртасидаги лексик фаркни қуйидаги ҳолларда кўриш мумкин. Баъзан ҳар икки вариантда мавжуд бўлган сўзлар бошқа маъноларни англатади:

Британия варианты	Америка варианты
<b>Autumn</b>	<b>Fall</b>
<b>Cellar</b>	<b>Basement</b>
<b>Underground</b>	<b>Subway</b>
<b>Ground floor</b>	<b>1st Floor</b>
<b>1st floor</b>	<b>2nd floor</b>
<b>Flat</b>	<b>Apartment</b>
<b>Elevator</b>	<b>lift</b>
<b>TV</b>	<b>telly</b>
<b>Hood</b>	<b>bonnet</b>
<b>Cookies</b>	<b>biscuits</b>
<b>Gas/gasoline</b>	<b>petrol</b>
<b>Can</b>	<b>tin</b>
<b>Line</b>	<b>queue</b>
<b>Washcloth/facecloth</b>	<b>flannel</b>
<b>Second floor</b>	<b>first floor</b>
<b>Flashlight</b>	<b>torch</b>
<b>Trunk</b>	<b>boot</b>
<b>Dessert</b>	<b>pudding</b>

<sup>6</sup> Charles. C.Fries. "Teaching and learning English as a foreign language" 1956.17b

**Intermission****interval****Exit****way out**

Куйида кийим ва аксессуарлар номини ифодаловчи сўзларнинг Британия ва Америка вариантыга хос бўлган шакллари берилган:

<i>anorak</i>	Куртка	<i>Windbreaker</i>
<i>mackintosh</i>	Ёмғимпўш	<i>raincoat</i>
<i>Tights</i>	Колготки	<i>panty hose</i>
<i>trousers</i>	Шим	<i>Pants</i>
<i>pants</i>	Калта шим	<i>shorts</i>
<i>dungarees</i>	Комбинезон	<i>overalls</i>
<i>knickers</i>	Шимсимон калта тор кийим	<i>panties</i>
<i>trainers, plimsolls</i>	Спорт иёқ кийими	<i>sneakers, tennis/ gym shoes</i>
<i>dressing gown</i>	Халат	<i>bathrobe robe</i>
<i>nightdress</i>	Тунги кўйлак	<i>nightgown</i>
<i>Checked</i>	Катак-катак	<i>Plaid</i>
<i>dinner jacket</i>	Смокинг	<i>Tuxedo</i>
<i>boiler suit</i>	Махсус иш кийим	<i>coveralls</i>
<i>Vest</i>	Ич кийим	<i>undershirt\waistcoat</i>
<i>polo neck</i>	Тўқилган ёқа	<i>turtle neck</i>
<i>jumper, jersey, pullover</i>	Жемпер	<i>Sweater</i>
<i>swimming costume, swimsuit</i>	Чўмилиш кийими	<i>bathing suit</i>
<i>wellies, wellingtons</i>	Резина этик	<i>rubber boots</i>
<i>Y-fronts</i>	Калта иштон	<i>underpants</i>
<i>Brooch</i>	Тўғноғич	<i>Pin</i>
<i>hair pin</i>	Шпилка	<i>bobby pin</i>
<i>Handbag</i>	Аёллар сумкаси	<i>Purse</i>

<i>Purse</i>	Ҳамён	<i>Purse</i>
<i>suspenders, suspender belt</i>	Подтяжка	<i>garters, garter belt</i>
<i>nail varnish</i>	Тирноқ бўёғи	<i>nail polish</i>
<i>Wallet</i>	Катмон	<i>Billfold</i>

Қуйидаги сўзлар Британия ва Америка инглиз тили вариантларига мансуб орфографик фарқни кўрсатади:

Америка варианты

*Color, favor*

*License, defense*

*Burned, spilled*

*Analyze, organize*

*Center, theater*

*Judgment, abridgment*

*Dialed, canceled*

*Installment, skillful*

*Tire*

*Curb*

*Program*

*Pajamas*

*Check*

*Ton*

*Catalog*

*Czar*

*Cozy*

*Offense*

Британия варианты

*colour, favor*

*licence, defence*

*burnt, spilt*

*analyse, organyse*

*centre, theatre*

*judgement, abridgement*

*dialed, cancelled*

*instalment, skilful*

*tyre*

*kerb*

*programme*

*pyjamas*

*cheque*

*tonne*

*catalogue*

*tsar*

*cosy*

*offence*

***Jewelry***

***jewellery***

***Traveling***

***travelling***

Инглиз тилининг Америка вариантыни Британия вариантдан фарқи оз бўлса-да грамматик сатҳда ҳам сезилади. Тугалланган ҳозирги замон яқин ўтган замонда содир бўлган ва натижаси ҳозирги вақтга таалуқли бўлган иш-ҳаракатни ифодалаш учун ишлатилади. Масалан: ***I've lost my key. Can you help me look for it?*** Америка инглиз тили вариантыда эса қуйидаги ҳолат ҳам ўринли ҳисобланади: ***I lost my key. Can you help me look for it?***

Британия инглиз тили вариантыда юқоридаги ҳолат нотўғри саналса, Америка вариантыда ҳар икки ҳолат ҳам қўлланиши мумкин. Шунингдек, ***already, just, yet*** пайт равишлари билан боғлиқ бўлган бир неча тавофутли ҳолатлар ҳам мавжуд.

Британия инглиз тили варианты:

***I've just had lunch.***

***I've already seen that film.***

***Have you finished your homework yet?***

Америка варианты:

***I just had lunch yoki I've just had lunch.***

***I've already seen that film yoki I already saw that film.***

***Have you finished your homework yet? yoki Did you finish your homework yet?***

***Have/have got*** феълнинг ишлатилиши билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар ҳам ўзаро грамматик фарқни кўрсатади:

Amerika varianti: ***Do you have a car?***

Britaniya varianti: ***Have you got a car?***

Britaniya varianti: ***He hasn't got any friends.***

Amerika varianti: ***He doesn't have any frineds.***

Amerika varianti: ***She has a beautiful new home..***

Britaniya varianti: *She's got a beautiful new home.*

Юқоридаги ҳолатлар инглиз тилининг иккала вариантида тўғри ҳисобланса-да, *have got* Британия инглиз тили вариантида афзал кўрилади. Америка вариантида *have* феълининг қўлланилиши кўпроқ учрайди.

Гапда предлогларнинг қўлланилиши бўйича ҳам ўзига хослик учраб туради:

Британия инглиз тили варианты	Америка инглиз тили варианты
<i>at the weekend</i>	<i>on the weekend</i>
<i>in a team</i>	<i>on a team</i>
<i>Please, write to me soon</i>	<i>Please, write me soon</i>

Британия вариантдан фарқли равишда баъзи отли жумлалар пайт ёки ўрин-жойни кўрсатиш жараёнида Америка вариантида артикл билан қўлланилади. Масалан:

Америка варианты

*In the hospital*

*To the university*

*The next day*

Британия варианты

*in hospital*

*to university*

*next day*

Кишилар, ташкилотлар жамоасини ёки гуруҳини билдирувчи баъзи умумий отлар Британия вариантида кўплик шаклда, Америка вариантида эса бирлик шаклда ишлатилади:

*Cornell is ahead by two.*

*Manchester are ahead by two.*

Бироқ ҳар икки вариантда ҳам гапда *police* сўзи билан бирга феълнинг кўплик шакли қўлланилади. *The police are attempting to assist the neighbors.*

*do* ёрдамчи феълнинг қўлланилиши ҳар иккала вариант ўртасидаги Грамматик фарқни янада кенгроқ кўрсатади.

1889 йилда ташкил этилган Америка Диалект Жамияти тадқиқотчилари томонидан олиб борилган изланишлар ва ҳудудлардан жамланган маҳаллий шеваларда учрайдиган сўз ва атамалар Америка Диалект Жамиятининг *Dialect Notes* журналида (1890-1939) ва бошқа нашрларида (1944-) чоп этиб борилди.

Лекин жамиятнинг бундай катта ҳажмли лойиҳа ишини тизимли олиб бориши учун етарли режанинг мавжуд эмаслиги, шу билан бирга кетма-кет содир бўлган Биринчи ва Иккинчи Жаҳон Уруши, АҚШ тарихидаги депрессив йиллар унга каттагина таъсир кўрсатди. 1962 йилда келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган луғатнинг бош муҳаррири этиб тайинланган Висконсин университети профессори Фред Кассиди 1965-1970 йиллар давомида Қўшма Штатлар бўйлаб 1002 та жамоаларда 80 дан ортиқ тадқиқот ишларини олиб борди. Турли иш-ҳаракат ва предметлар номини аниқлаш учун тузилган 1600 дан ортиқ саволлар билан 3000 дан зиёд кишилар ўртасида изланиш ишлари олиб борилди. Тадқиқот жараёнида асосан эски сўзларни кўпроқ йиғишга ҳаракат қилинди. Чунки, бу сўзларни қўллайдиган кишилар автомобил, самолёт, телефон, радио, телевизор, умумий электр таъминоти, қишлоқ хўжалигини механизациялаш каби жамият ҳаётининг кескин ўзгаришларига гувоҳ бўлганлар ва улар ҳануз ўтган асрга таалуқли бўлган баъзи буюм ва ҳодисалар учун махсус атамалардан фойдаланадилар.

XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб шарқий қўшма штатларга мансуб бўлган луғат намуналарини ўрганиш унинг шимолий ўрта ерлар ва жанубий ҳудудий шеваларга бўлиниши мумкинлигини кўрсатди. Ўз навбатида ўрта ерлар шевасининг шимолий ва жанубий турлари мавжуд бўлиб, Бостон, Нью Йорк метрополитени шеваси шимолий шева турига мансуб ҳисобланади. Иллинойс, Индиана, Оҳайо каби ўрта ғарбий штатлар шеваси шимолий ўрта ерлар шевасига хос деб ҳисобланиб, уларнинг шимолий ҳудудлари шимолий нутқ шевасини, аксинча жанубий ҳудудлари жанубий ўрта ерларга хос бўлган нутқ шевасини акс эттиради.

Америка қўшма штатларида шева харитасини яратиш учун диалектологлар амалда фойдаланилаётган луғат, талаффуз ва грамматика намуналарини кўриб чиқишди. Бунда, тадқиқотчилар маълум сўровнома орқали шаҳар ва мамлакат бўйлаб ўтказилган сўровнома орқали ҳудудлардаги маҳаллий аҳолининг маълум предметларни қандай номлашини кўрсатиб бердилар. Ушбу изланиш натижасида Қўшма Штатларнинг икки асосий диалект гуруҳи аниқланди.

Америка Худудий Инглиз тили Луғати ((DARE – Dictionary of American Regional English)) муаллифлари ташаббуси билан Қўшма Штатлар ва Канада лингвистик атласи тузиш учун олиб борилган лойиҳа натижасида бир қатор худудий хилма-хилликлар аниқланди. Мисол тариқасида стандарт инглиз тилида *dragonfly* сўзи орқали ифодаланадиган НИНАЧИ сўзи Янги Англия штатлари, Нью Йорк, Нью Жерси, Лонг Айленд ва Шимолий Пенсилвания штатларида *darning needle*, Шимолий Каролина ва Виргиниянинг шарқий соҳилларида *mosquito hawk*, Виржиниянинг марказий худудларида *snake doctor*, Вест Виржиния, Оҳайо, Пенсилваниянинг ғарбий томонлари ва Оҳайо водийсининг юқори қисмларида *snakefeeder* номи билан ифодаланишини олишимиз мумкин. *Dictionary of American Regional English* луғати 1985 йилдан бошлаб Ҳарвард университети томонидан нашр қилиб келинмоқда

Инглиз тилининг Канада вариантыга Америка ва Британия шевасининг таъсири бўлиши билан бирга, Канадада инглиз тилининг фақат шу давлатнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари ҳам мавжуд. Айнан Канада вариантыдагина мавжуд бўлган сўзлар *канадианизм* деб юритилади. Бундай сўзлар одатда Канададан ташқарида қўлланилмайди. *shack - "a hut", fathom out - "to explain"* сўзлари бундан мустасно.

Канада инглиз тили варианты Канадада қўлланиладиган инглиз тили турларини ўз ичига олади. Сўнгги маълумотларга кўра, Канада аҳолисининг 57 фоизи (19 миллион) учун инглиз тили она тили ҳисобланади. Мамлакат

аҳолисининг 22 фоизи учун француз тили она тили, 21 фоизи учун бошқа маҳаллий тиллар она тили вазифасини ўтайди. Мамлакат бўйлаб инглиз тилидан фойдаланувчилар сони 28 миллиондан ошади. Тилдан фойдаланиш даражаси шаҳарлар бўйича турлича тақсимланган. Масалан, йирик шаҳарлардан бири Квебекда инглиз тилида сўзлашувчилар шаҳар аҳолисининг 7.7 фоизини ташкил қилади.

Канада инглиз тили варианты Британия ва Америка инглиз тили вариантларининг кўплаб элементлари билан бирга фақат ушбу вариантгагина хос бўлган жиҳатларга (канадианизмлар)га эга. Бу жиҳатлар тилнинг фонетика, фонология, морфология, синтаксис соҳаларида, айниқса, тил лексикасида намоён бўлади. Умуман олганда, Канадада қўлланиладиган инглиз тили варианты дунё бўйлаб “Умумий Америка варианты” сифатида танилган Америка инглиз тили вариантыга жуда яқин ҳисобланади. (Евис, 1954) Шу сабабли, инглиз тилининг турли вариантлари фонологик классификациясида Канада инглиз тили варианты ва Америка инглиз тили варианты Шимолий Америка инглиз тили варианты сифатида бир гуруҳда жамланади. Ушбу икки вариант ўртасидаги фарқ жуда кам бўлиб, ушбу номуносивликларни турли шеваларда сезиш мумкин.

Канада инглиз тили варианты атамаси биринчи бўлиб Реверенд Констабл Гейки томонидан 1857 йилда қўлланилган. Канада инглиз тили варианты икки асрдан зиёдроқ вақт мобайнида мамлакатга кириб келган иммигрантлар тўлқини таъсири остида шаклланган. Америка Революцияси даврида ҳозирда Канаданинг инглиз тилида сўзлашувчи аҳолиси энг кўп жойлашган ҳудудларига келиб ўрнашган қочоқлар ўзлари билан бирга Американинг Атлантика соҳиллари штатларининг шеваларини олиб келиб мамлакатга тарқатганлар. Шу асос туфайли кўп тилшунослар Канада варианты Америка вариантынинг бир бўлаги сифатида шаклланган деган фикрни илгари сурадилар. Канада инглиз тили вариантынинг тарихий ривожланиши чуқур тадқиқ этилмаган, лекин, сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инглиз

тилининг ушбу варианты XIX аср бошлариданоқ ўзига хос хусусиятларга эга бўлган.

Канадада қўлланиладиган эдусатед инглиз талаффузи Умумий Америка варианты билан қатор ўхшашликларга эга, шу билан бирга Инглиз тилининг Канада варианты мамлакат аҳолисининг асосий қисми, яъни 14 миллион киши томонидан қўлланилади . Француз тили аҳолининг 4 миллион кишиси учун она тили ҳисобланади. Типик Канада варианты Британиянинг қабул қилинган стандартларига нисбатан инглиз тилининг Америка варианты билан ўзаро мутаносибдир. Ушбу икки вариант ўртасидаги ўхшаш жиҳатлар орасида энг аҳамиятлиси батҳ сўзидаги каби [æ] товуши ва [t] товушининг талаффузи. (Wells 1982: 491).

Инглиз тилининг Канада ва Америка вариантининг ҳар иккаласида ҳам [t], [d] алвеолар товушларининг икки унли орасида **flapping – intervocal [t], [d]** талаффуз қилиниши кузатилади. Масалан, **waiting - wading, seated - seeded, writer – rider**. Канада вариантыда бу ҳолат ёш билан боғлиқ бўлиб, катта ёшли сўзловчиларга нисбатан ёшлар орасида бу ҳолат кўпроқ кузатилади.

Шунингдек, Канада вариантыни Америка вариантыдан фарқловчи ўзига хос жиҳатлар ҳам мавжуд. Канада вариантынинг бундай жиҳатлари "**Canadian raising**" деб номланади. Канада вариантыдаги [ai] ва [au] дифтонглари жарангсиз ундошлардан олдин қабул қилинган стандартлардаги каби қуйи эмас, балки, ўрта марказий нуслеуга айланади. Масалан, **price, mouth, pipe, while, like, nice, out, south, couch kabi** сўзларда [ai] = [əi] va [au] =[ʌu] тарзида талаффуз этилади. Масалан, қуйидаги гап талаффуз қилинганда унда тилнинг Канада вариантининг ўзига хос хусусиятлари яққол сезилади:

**I saw the White House. [ai'sa ðə \hweit ,hʌs]**

**merry - marry - Mary** сўзларида [e]-[æ]-[ɛə] товушлари ўртасида фарқ деярли сезилмайди. Бу ҳолатда фақатгина [ɛ] товушини талаффуз қилиниши

кузатилади. **hurry, courage, current, worry** каби сўзларда қабул қилинган талаффуз стандартларидан [ʌ] товуши ўрнига [зр] товуши талаффуз қилинади.

## **В) Инглиз тилининг Евроосиё ҳудудида тарқалган вариантлари**

### **Жанубий Осиё инглиз тили вариантлари**

Жанубий Осиё инглиз тили варианты ҳудудий жиҳатдан хилма-хилликка эга бўлиб, унинг Ҳиндистон инглиз тили варианты, Шри Ланка инглиз тили варианты, Покистон инглиз тили варианты каби кўринишлари мавжуд. Сингапур-Малайзия инглиз тили варианты асосан малай ва унинг бошқа тил билан қоришган шаклларига хос бўлган хусусиятларни намоён этади. Жанубий Осиёда инглиз тилининг бир неча диалектлари қўлланилади. Бунга сабаб Жанубий Осиёда непал, ҳинд, панжоб, ражастан, синди, балочи, бенгал, гужарат, телегу каби ўнлаб тилларнинг мавжудлигидир. Уларнинг ҳар бири инглиз тилининг турли шевалари яралишига туртки бўлган.

Инглиз тилининг ҳар қандай иккинчи тил варианты тилнинг янги бир жамиятга кириб бориши ва унинг шу жамиятдаги социо-культурал муносабатлари билан тўқнашуви маҳсулидир. Жаҳон тилшунослигида инглиз тилининг иккинчи тил вариантлари бўйича кўплаб тилшунослар ва олимлар иш олиб борганлар ва инглиз тилининг иккинчи тил вариантларининг турли аспектларини ифодалашда турли атамалардан фойдаланганлар. Хусусан, Г. Уилямс (1987) Инглиз тилининг институтлаштирилган иккинчи тил вариантлари; Б. Качру (1981.83) Жаҳон инглиз тиллари, Иккинчи тил инглиз тиллари; Э. Шнейдер (2003) Янги инглиз тиллар; Ч. Куирк (1981) Инглиз тилининг интерферент вариантлари<sup>7</sup>; Т. МкАртур (1998) Инглиз тилининг Стандарт вариантлари; С. Сридер (1996) Инглиз тилининг маҳаллий вариантлари ва бошқа атамалардан фойдаланганлар. Бу атамалар ўзаро синоним бўлиб, инглиз тилининг турли иккинчи тил вариантларини ифодалайди ва уларни ўрганишга қаратилган. Инглиз тилининг турли

---

7

вариантлари ва улар орасида Инглиз тилининг ҳинд варианты эгаллаган ўрнини чуқур ўрганган ҳинд тилшуноси Б. Качру инглиз тилининг турли вариантлари муносабатини тўғри ифодалашда Доира Концепциясига таянади (Б. Качру, 1982; Б. Качру 1985; Б. Качру, 1990; Б. Качру, 2005.). Тилдан фойдаланувчи мамлакатлар классификациясида у асосан, тилдан фойдаланувчиларнинг тилни эгаллаганлик даражасини ҳисобга олишни таклиф этади. Мамлакатнинг турли табақалардан иборат бўлган жамиятдан таркиб топганлиги ва унинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги туфайли Б. Качру Ҳиндистонни Ташқи доира таркибига киритишни таклиф этади. Ч. Куирк (1990) эса Ҳиндистондаги инглиз тилининг мақомини Ташқи доирага киритишни маъқулламайди. Модриано моделига кўра эса инглиз тилининг Ҳиндистон вариантини аниқ бир позицияга қўйиш ноўрин ҳисобланади, чунки ушбу мамлакатда тилдан фойдаланувчилар уни турли даражада эгаллаганликлари маълум.

Юқоридаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, инглиз тилининг Ҳиндистон варианты турли тилшунослар томонидан турли позициялар ва турли талқинда ўрганилган.

Жанубий Осиё мамлакатлари Ҳиндистон, Бангладеш, Покистан, Непал, Шри Ланка ва Бутан ўзаро ўхшаш лингвистик ва маданий хусусиятларга эга. Инглиз тилининг ушбу мамлакатларда тарқалган худудий вариантларини ўрганишда ушбу ўзаро ўхшашликларни ҳисобга олиш муҳим саналади. Шунга кўра Б. Качру (1986) инглиз тилининг Ҳиндистон субконтинентида қўлланиладиган вариантини ифодалашда Жанубий Осиё Инглиз тилиси атамасини қўллайди. У ўзининг қатор ишларида Жанубий Осиё инглиз тилисининг баъзи жиҳатларини фонологик, грамматик, лексик сатҳда ва сўз бирикмалари бўйича кўрсатиб ўтади. Фонологик ўзига хосликни айниқса, сўз боши позициясида /sk/, /sl/, /sp/ ундош ҳарфлар бирикмасининг талаффуз этилмаслиги каби жиҳатлари орқали қайд этади. Грамматикада эса бундай жиҳатлар сўроқ гаплар, тасдиқ сўроқ гапларнинг қўлланилиши ва артиклининг

такрорий ва тартибсиз ишлатилиши каби ҳолларда кўринади. Жанубий Осиё инглиз тилида стандарт инглиз тилидан фарқли сўз бирикмаларнинг мавжудлиги Жанубий Осиё тилларидан инглиз тилига таржима қилинган сўз ва ибораларнинг таржима қилиниши (*twice-born, co-brother-in-law*) натижасида намоён бўлади.

Инглиз тилининг "Глобал тил" мақоми Осиё ва Африка мамлакатларида инглиз тилида сўзловчиларнинг маданий ва прагматик эҳтиёжларини амалга оширувчи восита ҳисобланади. Ушбу давлатларда инглиз тилининг социо-культурологик ва прагматик соҳаларда экстенсив қўлланилиши натижасида инглиз тилининг шу вариантларига хос индивидуалликлари юзага келишига сабаб бўлди.

Инглиз тилининг Ҳиндистон вариантыга хос индивидуаллик унинг лексик-семантик, синтактик, фонологик ва стилистик хусусиятларини ўз ичига олади.

Маълумки, лексика тил структурасининг асосий категорияси ҳисобланади. Бирор тилнинг ўзига хос хусусиятларини унинг лексик жиҳатларини чуқур ўрганиш орқали эришиш мумкин. Инглиз тилининг ҳинд вариантынинг бу жиҳатлари тилшунос олимлар Ҳосали, Шастри, Парашер, Ниҳлани ва Качру томонидан ўрганилган. Уларнинг илмий ишларида лексик-семантиканинг қуйидаги суб-категориялари тадқиқ этилган:

1. Инглиз тилининг Ҳиндистон вариантыга хос сўз бирикмалар ушбу вариантнинг инглиз тилининг бошқа вариантларидан фарқини яққол намоён этади. Масалан, **America-returned, England-returned, three-eyed, eating-leaves** ва ҳ.к. бошқа тиллардан таржима қилинган баъзи сўзлар фақат ҳинд вариантыдагина бирор бир маънога эга: **twice-born, dining-leaf, waist-thread;**(Качру, 1983).

2. ўзлаштира сўзлар: Ҳинди, Урду ва бошқа ҳинд тилларидан олиб кирилган баъзи сўзлар инглиз тилининг ҳинд варианты луғат таркибига киритилиши мумкин: **bondh, lakh, crore, bandicoot**;
3. сўз бирикмаларининг нотўғри шаклланиши: **to have ears bored (pierced), affable (polite), shoe-biting (hurting/pinching)**;
4. сўз маъносининг кенгайиши: **cot** - стандарт инглиз тилида болалар кровати ёки касалхонадаги кроватни ифодалайди, ҳинд вариантыда эса унинг маъноси кенгроқ ва ҳар қандай ётоқ кроватини ифодайди;
5. неологизмлар: стандарт инглиз тилида мавжуд бўлмаган сўзларнинг яратилиши: аффикс қўшиш орқали - **freeship - free studentship**, модел асосида янги сўз яратилиши - **car-lifter (car thief), cycle-lifter (cycle thief)**, қўшма сўзлар - - **chilli-green, chutney-green (sea-green, bottle-green)**

Инглиз тилининг ҳинд вариантыдаги ўзига хосликларни яна қуйидаги ҳолатларда ҳам кўриш мумкин:

Стандарт инглиз тилида давомли замон шаклида қўлланилмайдиган **hear, see, know** каби феъллар ҳинд вариантыда "**be+V+ing**" структураси бўйича ишлатилиши мумкин. Качру (1969) ушбу ҳолатнинг асосий сабаби сифатида маҳаллий тилларда бундай кескин таъқиқнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Гапда сўзларнинг (айниқса, сифатнинг) такрорий қўлланилишини семантикада ва синтаксисда ҳам учратиш мумкин: **He sells different, different things. I like hot hot coffee.**

Сўроқ гап структурасида баъзан грамматик ностандарт шакл қўлланилиши кузатилади. Масалан, сўроқ гапда ёрдамчи феълнинг эгадан кейин келиши: **What you would like to eat? Where you are going?**

Тилшуносликда С. К. Верманинг олиб борган изланишлари натижасида инглиз тилининг ҳинд вариантыда мавжуд бўлган синтактик номуносивликлар аниқланди. Унинг лингвистик таҳлиллари (1972) Ҳиндистон таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчилари ва миллий банк маъмурий ходимлари томонидан қўлланиладиган инглиз тили бўйича олиб борилди. Ушбу таҳлиллар натижасида инглиз тилининг ҳинд вариантыга хос бўлган қуйидаги синтактик структуралар аниқланди:

1. Замонлар мослашувида:

**When I met him yesterday he said he is coming.**

**When I met him yesterday, he said he was coming.**

2. Шарт-эргаш гапларда:

**If it will rain this evening we will not go out.**

**If it rains this evening, we will not go out.**

3. Ўзлаштирма сўроқ гапта:

**Do you know where does he live?**

**Do you know where he lives?**

4. Тасдиқ сўроқ гаплар:

**You are coming, no?**

**You are coming, aren't you?**

5. Замон ва сигнал сўзлар мослашувида:

**I have visited that place only last year.**

**I visited that place only last year.**

6. Махсус сўроқ гапларда:

**What you say, Mr. Prasad?**

**What do you say, Mr. Prasad?**

**I consider that he is a fool.**

**I consider him (to be) a fool.**

7. Ҳозирги давомли замонда баъзи феълларнинг қўлланилишида:

**We are not having these items today.**

**We do not have these items today.**

8. Гапда сўз тартибида:

**Your both hands are dirty.**

**Both your hands are dirty.**

**The three young men who visited you yesterday, they have come again to see you.**

**The three young men who visited you yesterday have come again to see you.**

Юқоридаги каби ҳолатлар кўрсатадики, инглиз тилининг ҳинд варианты бошқа иккинчи тил вариантлар каби ўзига хос синтактик хусусиятлардан иборат ноадабий услубга эга.

**Филиппин.** Филиппинда қўлланиладиган инглиз тили шеваси Америка мустамлакачилиги бошланган даврда кириб келган инглиз тилининг ротик акцентига асосланган. Тагалог тилида [f] ва [v] товушларининг йўқлиги туфайли [f] товуши ўрнига [p], [v] товуши ўрнига [b] талаффуз қилинади. Масалан, инглиз тилида гапирувчи филиппинлик *fifty five* сўзини *pipit pay* тарзида талаффуз қилади. Ушбу товушлар талаффузидаги имкониятсизликдан ташқари филиппинда инглиз тилининг ягона акценти мавжуд эмас. Ороллардаги кўплаб маҳаллий тилларнинг инглиз тилига таъсири кучли ва бу сўзловчилар нутқида яққол сезилади. Масалан, она тилиси висаян тили бўлган висая халқи талаффузида /e/ ва /i/, /o/ ва /u/ товушларини алмаштириб талаффуз этилиши кузатилади.

Мамлакатнинг шимолий ҳудудлари аҳолиси /r/ товуши талаффузида қаттиқ тебраниш мавжуд. Чунки бу ҳолат маҳаллий локан тилига хос жиҳатдир. Шунингдек, локан тилида /ə/ товушига ўхшаш товушнинг мавжудлиги ушбу товушни аниқ ва тўғти талаффузини таъминлайди.

**Гонг Конг.** Гонг Конгда сўзлашиладиган инглиз тили акценти асосан Британия инглиз тили варианты талаффуз қоидаларига мувофиқ, шунингдек, кантониз тилига хос ундош ва унли талаффузининг ҳам таъсири кучли.

**Малайзия.** Британиянинг собиқ колонияси бўлган Малайзия давлатида Инглиз тили малай тилидан кейин иккинчи асосий тил ҳисобланади. Инглиз тилининг малайзия акцентига инглиз, хитой, тамил, малай тиллари комбинацияси таъсир кўрсатган. Малайзия акценти эгалари талаффузида [θ] товуши ўрнига [t] ва [ð] товуши ўрнига [d]; талаффуз қилиниши кузатилади, масалан: **thin - [tɪn], then - [dɛn]**.

**Сингапур.** Сингапур давлати кўп тилли мамлакат ҳисобланади. Давлат ҳукумати томонидан 4та тил расмий тил деб тан олинган: инглиз тили, малай тили, мандарин хитой тили, тамил тили. Малайзия ўрта мактабларида асосий тил кўникмалари сифатида инглиз тили ўқитилади, шунингдек, иккинчи тил сифатида она тили, яъни мандарин хитой, малай ёки тамил тилларидан бири ўқитилади. Шунини қайд этиш жоизки, дунёнинг бошқа кўплаб давлатларида она тили биринчи тил тушунчасини назарда тутса, Сингапур таълим Вазирлиги томонидан она тили ибораси иккинчи тил маъносида қўлланилади.

Сингапурда сўзлашиладиган инглиз тили 2 турга асосланади – стандарт сингапур инглиз тили ва Синглиш. Мамлакат бўйлаб иккинчи тур кенг тарқалган болиб, у малай ва хитой тилининг кўплаб вариантлари таъсирида шаклланган алоҳида сўз оҳангига эга.

Сўнги маълумотларга кўра ҳозирда Сингапур аҳолисининг 50 фоизга яқини уйда асосий тил сифатида инглиз тилида сўзлашади. Шунингдек, Сингапурда истиқомат қилувчиларнинг 36 фоизи хорижликлар бўлиб, улар мамлакатнинг хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчиларнинг 50 фоизини ташкил этади. Ишчиларнинг асосий қисми мандарин хитой тилида ёки Синглиш (инглиз тилининг бузилган варианты) шеvasида гапирадилар.

**Авлиё Елена ороллари.** Авлиё Елена оролларида қўлланиладиган инглиз тили маҳаллий аҳоли томонидан "Сейнт" деб номланиб, турли хил шева хусусиятларини ўзида жам қилади. Четдан қаралганда бу шева Жанубий Африка, Австралия, ва Янги Зеландия шеваларига боғлиқларни намоён этиши мумкин. "Сейнт" нафақат инглиз тилининг бошқа бир талаффуз варианты эмас, балки ушбу вариантнинг ўзидагина учрайдиган сўзларга эга масалан, "*Bite*" - "*жуда аччиқ*" "*us*" олмоши "*we*" олмоши ўрнида қўлланилади "*us have been shopping*"; "*done*" оддий ўтган замонни ифодалаш учун қўлланилади. Масалан, *I done gone fishing (I have been fishing)*.

### С) Инглиз тилининг Австралия ва Океанияда тарқалган вариантлари

**Австралия миллий варианты.** Австралия инглиз тили варианты инглиз тилининг Австралия давлатида қўлланиладиган туридир. Давлат конституциясида инглиз тили расман тасдиқланмаган бўлса-да, аслида инглиз тили мамлакатнинг расмий тили ҳисобланади ва мамлакат аҳолисининг асосий қисми учун у она тилидир. Австралия инглиз тили варианты 1788 йилда Янги Жанубий Уэлс колонияси ташкил этилганидан кейин Британия инглиз тили стандартларидан узоқлаша бошлади ва 1820 йилларга келиб Британия инглиз тили вариантыдан фарқли дея тан олинди.

Австралия инглиз тили варианты Британия оролларида турли шева худудлари вакилларида иборат бўлган илк муҳожирлар тилларининг қоришиши натижасида вужудга келиб инглиз тилининг алоҳида бир варианты сифатида шаклланди. Австралия инглиз тили варианты инглиз тилининг бошқа вариантларидан луғат, акцент, талаффуз, грамматика, орфография ва ёзувда фарқланади.

Австралия ва Янги Зеландия дунёнинг инглиз тилида сўзлашувчи 5 та асосий давлатлари ичида энг ёши ҳисобланади. Инглиз тилшуноси Кристал Австралия Британия билан яқин тарихий сиёсий боғлиқликка эгаллиги туфайли

унда инглиз тилининг Британия вариантыга асосланган тури қўлланилишини таъкидлайди.

Ҳозирги кунда Австралия аҳолисининг асосий қисмини келиб чиқиши Британияликларга бориб тақаладиган кишилар ташкил этади. Бунда асосан Лондон шаҳри ва унга ёндош ҳудудлардан келиб ўрнашганларнинг авлодлари етакчилик қилади. Иммигрантларнинг иккинчи катта гуруҳини Австралиядаги кўп сонли католикларни ташкил этувчи ирландлар ташкил этади. Австралия номининг келиб чиқиши 16 асрларда европалик файласуфлар ва харита тузувчиларнинг Осиё жанубида улкан қуруқлик бор деган фаразлари асосида ном олган terra аустралис, "жанубий ер" деган номдан келиб чиққан. Метью Флиндерс Австралия қирғоқларини бўйлаб сузиб чиққан ва қитъа харитасини тузган биринчи инсон бўлган ҳамда "Австралия" номини расман қўллаган.

Бугунги кунда Австралия ҳудуди жиҳатидан дунёда олтинчи ўринда туради (Буюк Британиядан 30 марта катта). Мамлакат ҳудуди географик хилма-хилликка эга бўлмаса-да, инглиз тилининг Австралия варианты ижтимоий турфаликка эга. Бунда асосан тилнинг шеваларида фарқ кўзга ташланади (Кристал 1995: 350).

Австралия вариантынинг фонетик ва фонологик хусусиятлари, талаффузи ўз тарихига эга. Австралиядаги инглиз талаффузи лингвистик адабиётларда Америка инглиз талаффузига нисбатан жуда кам ўрганилган ва тадқиқ этилган. А.Г.Митчелл, А. Делбриж, С. Бейкер, Г. Орлов ва бошқа тадқиқотчилар Австралия инглиз тили вариантыни 3та асосий турга бўладилар.

А.Митчелл маълумотларига кўраб Австралия вариантынинг энг характерли тури бу Умумий Австралия ҳисобланиб, жамиятнинг зиёли ва илғор тоифа аъзолари томмонидан қўлланилади (австралияликларнинг 55 фоизи).

Австралияда талаффузнинг аниқ географик вариантлари ажратилмайди (The Cambridge Encyclopedia 1995: 350), лекин ижтимоий факторларга таяниб

бир неча вариантларни ажратиш мумкин. улар орасида 3 та асосий акцент гуруҳлари ажратилади:

1. Инглиз тилининг маданий Австралия акценти аҳолининг 10 фоизи томонидан қўлланилади ва унда Қабул қилинган талаффузнинг сезиларли аҳамияти намоён бўлади;
2. Аҳолининг 30 фоизи эркин Австралия акцентини қўллайди, бу акцентда Кскней талаффузи таъсири сезилади;
3. Умумий Австралия акценти мамлакатда энг кенг тарқалган акцент бўлиб, стандарт Австралия талаффузи сифатида қабул қилинади

Дастлабки Австралия инглиз тили варианты Янги Жанубий Уэлснинг илк мустамлакачиларининг янги қитъада туғилган фарзандлари томонидан гапирилган. Мустамлакачиларнинг биринчи авлоди бўлган бу болалар мамлакатнинг миллий тилига айланган янги шевани яратдилар. Янги колония фарзандлари Британия ороллариининг турли худудлари, хусусан Ирландия ва жанубий-шарқий Англия шеваларини ўзлаштирган эдилар. Колониянинг биринчи авлод вакиллари ўзлари эшитган турли шева ва диалектлар қоришиғидан яратган бу шева хаттоки кейинроқ келган муҳожирлар нутқиға ҳам ўз таъсирини ўтказиб, уларнинг шевасига хос жиҳатларни заифлаштирди.

Буюк Британия ва Ирландиядан келтирилган муҳожирларнинг асосий қисми ирландлар эди, ва уларнинг катта қисми инглиз тилида умуман гапира олмайдиган ёки тилни жуда ёмон ўзлаштирган кишилар эдилар. Бундан ташқари, Британиянинг инглиз тилида сўзлашмайдиган аҳоли истиқомат қиладиган Скоттиш Ҳайлендз ва Уэлс каби қисмларидан ҳам кўп сонли маҳбуслар келтирилган.

1850 йилларда Австралияға муҳожирларнинг катта тўлқини кириб келди. Бунда Бирлашган қироллик аҳолисининг 2 фоизиданидан кўпроғи Янги Жанубий Уелс ва Викторияға кўчиб келди. Тилшунос олим Брюс Мурнинг

маълумотларига кўра, "Австралия шевасининг яралишига сабаб бўлган асосий шевалар жанубий-шарқий Англияга тегишли эди".

Абориген тиллардан ҳам баъзи элементлар Австралия инглиз тили вариантыга кириб келган бўлиб, бундай сўзлар асосан жой номлари, ҳайвон ва ўсимлик номлари ва маҳаллий маданиятга хос бўлган сўзлардир. Бундай сўзлар асосан маҳаллий доирада қўлланилади. Халқаро сўзларга айланган **Kangaroo, boomerang, budgerigar, wallaby** каби сўзлар инглиз тилига абориген тиллардан кириб келган. Австралиянинг кўплаб шаҳар ва қишлоқлари жой номларига абориген сўзлари ўз таъсирини кўрсатган ёки айнан ана шу тиллардаги сўзлар ўзлаштирилган. Масалан, пойтахт "**Canberra**" номи маҳаллий тилдаги "учрашув жойи" деган маънони англатади.

XIX асрлардан бошлаб Америка инглиз тили вариантыга хос баъзи сўз, атама, орфографик қоидаларнинг мамлакатга кириб келиш сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. **Bushwhacker, squatter** каби бундай сўзлар дастлаб Америка инглиз тили вариантыга хос бўлган бўлса, кейинчалик уларни Австралия инглиз тилисида ҳам учратиш мумкин бўлиб қолди.

Инглиз тилининг Австралия вариантыни бошқа вариантлардан фарқловчи асосий омил унинг ноодатий талаффуз шаклидир. Бу талаффуз тури асосан жанубий ярим шар, хусусан Янги Зеландия талаффуз вариантыда ҳам учрайди. Инглиз тилининг бошқа диалектлари каби Австралия варианты ҳам унли товушлар фонологиясининг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Австралия инглиз тили вариантыда унли товушлар узунлигига қараб иккига бўлиниши мумкин. Узун унлилар, яъни монофтонглар ва дифтонглар марказий дифтонглар каби талаффуз меъёрлари таҳлилига мос келади. Фақат монофтонглардан иборат қисқа унлилар талаффуз меъёрларида кучсиз унлиларга мос ҳисобланади. Узун ва қисқа унлиларнинг параллел ҳолати Австралия инглиз тили фонетикасини бошқа вариантлардан фарқланиши учун алоҳида хизмат қилади.

Инглиз тилининг турли талаффуз шеваларида ундош товушларда фарк деярли сезилмаса-да уларни ишлатилишига доир хилма-хиллик мавжуд. Австралия инглиз тилиси ҳам бундан мустасно эмас. **-ary, -ery, -ory, -bury, -berry, -mony** аффикслари тўлиқ ёки нейтрал унли товуш сифатида талаффуз этилади. **necessary** каби сўзлар катта ёши австралияликлар томонидан бу аффикслар нейтрал унли товуш билан талаффуз этилса, аҳолининг ёшроқ қатлами вакиллари тўлиқ унли билан талаффуз қилиши кузатилади. Инглиз тилининг бошқа вариантлари билан қиёслаганда баъзи тасодифий сўзлар талаффузида фарқни кузатиш мумкин. Масалан, Америка инглиз тили варианты билан таққослаганда, **yoghurt** сўзида /ɔ/ товуши ўрнига /ə/ товуши, **vitamin** сўзининг биринчи бўғинида /ɪ/ товуши ўрнига /æ/ товуши талаффуз қилинади. Британия инглиз тилиси билан қиёслаганда, **advertisement** сўзи /ɪ/, **tomato** сўзи /eɪ/ товуши ўрнига /ɑ:/ товуши билан талаффуз қилинади.

Австралия инглиз тили варианты бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар Австралия инглиз тили вариантынинг ҳудудий бўлиниши асосан социокультурал аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бу асосан фонологияда акс этиб, унинг 3та ҳудудий шевага бўлинишини кузатиш мумкин: эркин, умумий, маданийлашган. Баъзи сўзлар фақат ҳудудий аҳамиятга эга бўлиб, шхсларнинг географик келиб чиқишида . Бундан ташқари, баъзи австралияликлар Австралия инглиз тилисида ташқари креол тиллардан фойдаланишади.

Британия варианты	Австралия варианты
<b><i>a good job</i></b>	<b><i>a good lurk</i></b>
<b><i>Absolutely!</i></b>	<b><i>Reckon!</i></b>
<b><i>Accident</i></b>	<b><i>Prang</i></b>
<b><i>Afternoon</i></b>	<b><i>Arvo</i></b>
<b><i>A good job</i></b>	<b><i>A good lurk</i></b>
<b><i>Aggressive</i></b>	<b><i>Aggro</i></b>

<i>Alcohol</i>	<i>Crog</i>
<i>Alcohol</i>	<i>Booze</i>
<i>American</i>	<i>Yank</i>
<i>Angry</i>	<i>Berko</i>
<i>Australian</i>	<i>Aussie, Strine</i>
<i>Banana</i>	<i>Nana</i>
<i>Beer</i>	<i>Amber (fluid)</i>
<i>beer glass (285 ml)</i>	<i>Middy, pot</i>
<i>Biscuit</i>	<i>Bickie</i>
<i>Car paint</i>	<i>Duco</i>
<i>Cheap wine</i>	<i>Plonk</i>
<i>Criminal</i>	<i>Bushranger</i>
<i>Chicken</i>	<i>Chook</i>
<i>Chocolate</i>	<i>Chokkie</i>
<i>Christmas</i>	<i>Chrissie</i>
<i>Dockworker</i>	<i>Wharfie</i>
<i>Engine (car or boat)</i>	<i>Donk</i>
<i>English person</i>	<i>Pom</i>
<i>Eucalyptus tree</i>	<i>Gum tree</i>
<i>Evening meal</i>	<i>Tea</i>
<i>Exact information</i>	<i>Good oil</i>
<i>Excellent</i>	<i>Ace</i>
<i>Farm</i>	<i>Station</i>
<i>Fast sheep shearer</i>	<i>Ringer (in the country)</i>
<i>Field</i>	<i>Paddock</i>
<i>Food</i>	<i>Tucker</i>
<i>Horses</i>	<i>Neddies</i>
<i>Information</i>	<i>Oil</i>
<i>It</i>	<i>She</i>

<i>It's fine</i>	<i>She's apple</i>
<i>Kangaroo</i>	<i>Roo</i>
<i>Lavatory</i>	<i>Loo</i>
<i>lavatory (outdoor)</i>	<i>Dunny</i>
<i>Liquor Shop</i>	<i>Bottle shop</i>
<i>Milkman</i>	<i>Milko</i>
<i>Money</i>	<i>Lolly (in the country)</i>
<i>Mosquito</i>	<i>Mozzie</i>
<i>Postman</i>	<i>Postie</i>
<i>Pub meal</i>	<i>Counter meal</i>
<i>Sandwiches</i>	<i>Cut lunch</i>
<i>Sausage</i>	<i>Snag</i>
<i>Shark meat</i>	<i>Flake</i>
<i>Sheep</i>	<i>Jumbuck (mainly in songs)</i>
<i>A sheep which has lost all its teeth</i>	<i>Gummy</i>
<i>Sheepdog</i>	<i>Kelpie</i>
<i>Sheepfarmer</i>	<i>Woolgrower</i>
<i>Shut up.</i>	<i>Belt up.</i>
<i>Soldier</i>	<i>Digger</i>
<i>Stony desert</i>	<i>Gibber (used in the west)</i>
<i>Stupid person</i>	<i>Alf</i>
<i>Swimming costume</i>	<i>Bathers</i>
<i>Tea kettle</i>	<i>Billie</i>
<i>Teacher</i>	<i>Chalkie</i>
<i>To complain</i>	<i>To grizzle</i>
<i>To give up</i>	<i>To give it away</i>
<i>To have a look</i>	<i>To gander</i>
<i>Toilet</i>	<i>Comfort station</i>
<i>Tomato sauce</i>	<i>Dead horse (old)</i>

<i>a good job</i>	<i>a good lurk</i>
<i>Absolutely!</i>	<i>Reckon!</i>
<i>Accident</i>	<i>Prang</i>
<i>Afternoon</i>	<i>Arvo</i>
<i>A good job</i>	<i>A good lurk</i>
<i>Aggressive</i>	<i>Aggro</i>
<i>Alcohol</i>	<i>Crog</i>
<i>Alcohol</i>	<i>Booze</i>
<i>American</i>	<i>Yank</i>
<i>Angry</i>	<i>Berko</i>
<i>Australian</i>	<i>Aussie, Strine</i>
<i>Banana</i>	<i>Nana</i>
<i>Beer</i>	<i>Amber (fluid)</i>
<i>beer glass (285 ml)</i>	<i>Middy, pot</i>
<i>Biscuit</i>	<i>Bickie</i>
<i>Trainee on a cattle farm</i>	<i>Jackaroo</i>
<i>Trousers</i>	<i>Daks, strides</i>
<i>Underpants (men)</i>	<i>Jocks</i>
<i>Undertaker</i>	<i>Mortician</i>
<i>Vegetables</i>	<i>Vegies</i>
<i>Waterhole</i>	<i>Billabong</i>
<i>Well done!</i>	<i>Good on ya!</i>

Австралия вариантыдаги эркин, умумий, маданийлашган акцентлари гапирувчи мансуб бўлган ижтимоий синф, шаҳар ёки қишлоқдан эканлигини намоён этади. Аммо бу сўзловчи нутқида ҳар доим ҳам акс этмаслиги мумкин. Тилшунос олимлар фикрича, умумий Австралия варианты 1900 йилларга қадар шаклланиб бўлган. XX аср иккинчи ярмидан буён радио ва телевидение учун мақбул деб топилган умумий Австралия акценти сўзловчилар сони жиҳатидан эркин ва маданийлашган акцентда сўзловчилар сонидан анча юқори.

Австралия абориген англиз тили варианты Австралиянинг турли худудларида турли хилда шаклланган бўлиб, худудий тарқалишда хилма-хилликка эга ва стандарт Австралия англиз тили вариантдан кўра кўпроқ ностандарт шаклларга асосланган. Бунда албатта, акцент, грамматика ва луғат таркибининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Австралия англиз тили вариантыдаги турли акцентлар этнокультурал диалектлар асосида шаклланган бўлиб, булар асосан келиб чиқиши англиз тилида сўзлашувчи давлатлардан бўлмаган кам сонли гуруҳлар томонидан қўлланилади. Бундай диалектлардаги турли туманликка асосан Осиё мамлакатларининг кўп сонли иммиграцияси туртки бўлди. Австралия англиз тили варианты худудий жиҳатдан Жанубий Австралия, Ғарбий Австралия, Янги Жанубий Уэлс, Викториа, Тасмания, Квинсленд ва Торз Стрейт ороллари диалектлари фарқланади ва бу луғат таркиби ва фонологияда намоён бўлади.

Тилнинг худудий фарқланиши асосан сўзлардан фойдаланишда кўринади. Масалан, *чўмилиши кийими* Янги Жанубий Уэлсда *cossies* ёки *swimmers*, Квинслендда *togs*, Викториа, Ғарбий Австралия, Жанубий Австралияда *bahters*; *stroller* Австралиянинг кўп худудларида қўлланилса, унинг ўрнига Викторияда *pusher*, Ғарбий Австралияда *pram* сўзи қўлланилади. Баъзи штатларда *football code* сўзи учун *footy* сўзи; Янги Жанубий Уелсда *rugby league* атамаси, Австралиянинг бошқа барча худудларида *Australian Rules football* сўзи ишлатилади.

Австралия англиз тили варианты ушбу вариантнинг ўзигагина хос бўлган кўплаб сўз ва идиомаларга эга. Масалан, *outback* – “кам сонли аҳоли жойлашган худуд”, *the bush* – “маҳаллий ўрмон ёки шаҳардан ташқари худуд”, *gday* – саломлашиш учун қўлланилади. *Dinkum* атамаси англиз тилидаги “*true*” сўзини ифодалайди.

Австралия шеърияти, хусусан, “*The Man from Snowy River*” шеъри, “*Waltzing Matilda*” каби фолклор кўшиқларида Австралия Инглиз тили

вариантининг тарихий сўз ва ибораларини кўплаб учратиш мумкин. Бундай сўзлар ҳозирда кенг қўлланилмаса-да, австралияликларнинг ўзи учун тушунарлидир.

Австралия инглиз тили варианты Британия инглиз тили вариантининг маълум диалектлари каби (масалан, **кокней, скоуз, Глазго, орди**) *mate* сўзини қўллайди. Австралияликлар томонидан фойдаланиладиган кўплаб сўзлар қачонлардир Англия ҳудудида ҳам қўлланилган, аммо ҳозирги кунда истеъмолдан чиқарилган ёки ўз маъносини ўзгартирган. Масалан, *creek* сўзи австралияда анҳор ёки кичик дарё маъносини англатса, Буюк Британияда бу сўз денгизга қуйилувчи сув манбаини англатади; *paddock* Австралияда дала, Британияда чорва учун мўлжалланган махсус жой тушунилади.

“*Not bad*”, “*not much*”, “*you are not wrong*” каби литоталар кўпроқ қисқартирилган шаклда ишлатилади. Масалан, *arvo* (*afternoon*), *barbie* (*barbecue*), *smoko* (*cigarette break*), *Aussie* (*Australian*), *pressie* (*present/gift*). Бундай ҳолат кишилар исмлари учун ҳам қўлланилади, масалан, “*Gazza*” – *Gary*, “*Smitty* – *Smith*”. Жанубий Австралия шевасига хос бўлган *full*, “*fully*”, “*heaps*” сўзлари маънони кучайтириш учун қўлланилади. Масалан, “*The waves at the beach were heaps good*”. “-лй” суффиксининг тушириб қолдирилиши ҳам тез-тез кузатилади. “*really good* – *real good*”.

Австралия инглиз тили вариантыда Британия ва Америка вариантдан мутлақо фарқли бўлган сўзларни, ёки аксинча, улардан бири билан бир хил бўлишини кўриш мумкин. Масалан:

Австралия варианты	Америка варианты	Британия варианты
<i>Footpath</i>	<i>Sidewalk</i>	<i>Pavement</i>
<i>Capsicum</i>	<i>Bell pepper</i>	<i>Green/red pepper</i>
<i>Doona</i>	<i>Comforter</i>	<i>Duvet</i>

Австралия варианты	Америка варианты	Британия варианты
<i>Truck</i>	<i>Truck</i>	<i>Lorry</i>
<i>Eggplant</i>	<i>Eggplant</i>	<i>Aubergine</i>
<i>Mobile phone</i>	<i>Cell phone</i>	<i>Mobile phone</i>
<i>Bonnet</i>	<i>Hood</i>	<i>Bonnet</i>

Британия вариантдан фарқли тарзда Америка вариантнинг айрим грамматик қоидалари Австралия инглиз тили варианты учун ҳам хос ҳисобланади. Масалан, соллестиве отлар ҳар доим бирлик шаклда ишлатилади, масалан: *the government was unable to decide, (br.i.t – the government were unable to decide); haven't any (br.i.t – haven't got any)*. *River* сўзи Америка вариантдаги каби дарё номидан кейин қўлланилади: *Darling River*. Британия вариантыда эса *river* сўзи дарё номида олдин қўйилади: *River Thames* Шунга қарамай, Жанубий Австралия шеvasида *River Murray, River Torrens* каби дарё номларини учратиш мумкин. Британия вариантыда *at the weekend; read medicine* каби сўз бирикмалари Америка вариантыдаги каби *on the weekend; read medicine* шаклида ифодалади.

Британия варианты билан ўхшшликни *learn, spell, smell* каби нотўғри феълларнинг ўтган замон ва сифатдош шаклларида учратиш мумкин (*learnt, spelt, smelt*). Ушбу турдаги гапларда Америка вариантыда тушириб қолдириладиган *to* предлоги Австралия вариантыда қўлланилади: *I'll write to you*.

Инглиз тилида гапирувчи бошқа давлатлар сингари Австралия вариантыда ҳам ёзувни ва грамматикани тартибловчи ҳукуматнинг расмий регуляторлари мавжуд эмас. Қатор университет ва ташкилотлар Австралия стандарт инглиз тили вариантнинг ёзув қоидалари учун *Macquire Dictionary* луғатидан фойдаланадилар. Инглиз тилининг Австралия варианты ёзув қоидалари Америка вариантдан кўра кўпроқ Британия вариантга яқинроқ.

Янги Зеландияда Қабул қилинган талаффуз зиёлилар талаффуз варианты ҳисобланади.

**Янги Зеландия миллий варианты.** Янги Зеландияда инглиз тили 3,2 миллион киши, яъни мамлакат аҳолисининг 90 фоизи томонидан қўлланилади. Мамлакатда, шунингдек, маори иккинчи расмий тил ҳисобланади. Мамлакатга инглиз тилида гаплашувчи халқлар томонидан 1870 йилда асос солинган. Мамлакатга биринчи келиб ўрнашганлар Австралиянинг Порт Жексон (Сидней) колониясидан келган тюлень овловчилар бўлган, кейинроқ келиб ўрнашганларнинг кўпчилиги британлар эди. Иммигрантларнинг асосий қисми австралияликлар бўлганлиги туфайли Янги Зеландия Инглиз тили варианты талаффузида Австралия варианты билан ўхшаш жиҳатларни учратиш мумкин. Австралия ва Янги Зеландия вариантлари ўзаро ўхшашликларга эга. Аммо олд қатор унли монофтонгларида фарқ сезилади.

Дунёнинг бошқа қисмларида инглиз тилида она тили сифатида сўзлашувчилар инглиз тилининг Янги Зеландия ва Австралия вариантлари талаффузидаги фарқни сезмаслиги мумкин, аммо, Янги Зеландия халқи Австралия талаффузини кескин фарқлай оладилар. Австралияликлар эса Янги Зеландия варианты акцентини Австралиянинг Тасмания каби чеккароқ ҳудудлари акцентлари гуруҳига киритадилар.

Янги Зеландия варианты лексик таркибида Австралия вариантыда абориген тилларнинг таъсири бўлгани каби маори тилининг аҳамияти сезилади. Кўп ҳолларда Янги Зеландиянинг киви лаҳжаси буни яққол намоён этади.

<b>Enzed</b>	<b>New Zealand</b>
<b>Pom</b>	<b>Englishman</b>
<b>Pop</b>	<b>put, prepare</b>
<b>Telly</b>	<b>Tv</b>

<b>gig lamps</b>	<b>Glasses</b>
<b>kitchen tidy</b>	<b>Dustbin</b>
<b>Jug</b>	<b>litre of beer</b>
<b>Screw</b>	<b>Salary</b>
<b>Strides</b>	<b>Trousers</b>

Янги Зеландия вариантыга хос бўлган акцент фонологик хусусиятларга кўра инглиз тилининг Австралия варианты билан ўзаро ўхшашликка эга. Иккала вариант фонологияси ортасидаги фарқ асосан қисқа олд унлилари ҳамда марказий дифтонглар хухусида кўриниши мумкин.

1. Янги Зеландия вариантыда **had** сўзидаги [æ] унлиси Австралия инглиз тили вариантыдаги **head** сўзида талаффуз қилинадиган [e] товушига жуда яқин, шунинг учун, *“The cat sat on a mat”* ибораси Янги Зеландия вариантыда сўзловчилар талаффузида *“The ket set on a met”* каби эшитилади.
2. Янги Зеландия вариантыда **head** сўзидаги [e] унлиси Австралия вариантыдаги **hid** сўзида учрайдиган [i] товушига жуда ўхшаш. Лекин инглиз тилининг Янги Зеландия вариантыда [i] товуши кўпроқ марказий позицияга эга бўлиб, нейтрал унли товушга ўхшайди. Австралия вариантыда эса [i] товуши **heed** сўзидаги каби чўзиқроқ [i:] талаффуз қилинади.
3. Янги Зеландия вариантыда **ear** ва **air** каби сўзлардаги марказий дифтонглар

## **D) Инглиз тилининг Жанубий Африка варианты**

**Жанубий Африка инглиз тили варианты.** Жанубий Африка инглиз тили варианты Жанубий Африкада қўлланиладиган инглиз тилининг маҳаллий шеваларидир. Жанубий Африка инглиз тили вариантыда сезиларли ижтимоий ва ҳудудий хилма-хиллик мавжуд. Жанубий Африка оқ танлилар инглиз тилиси асосан қитъанинг оқ танли аҳолиси томонидан қўлланилиб, у ўз ичига 3 та вариантни олади: “маданийлашган” – Англиянинг стандарт талаффуз

қоидаларига асосланган шева бўлиб, ундан асосан олий табақа вакиллари фойдаланадилар; “умумий” – ўрта табақа вакилларининг ижтимоий кўрсаткичи; “эркин” – ишчи табақа томонидан сўзлашиладиган шева ҳисобланади. Қитъанинг қора танли аҳолиси томонидан қўлланиладиган Жанубий Африка қора танлилар инглиз тили 2 вариант “асролест” ва “месолест” ни ўз ичига олади. Жанубий Африка инглиз тили вариантынинг бошқа шевалари Кейп Флетс инглиз тили – Кейп шаҳри аҳолиси шеваси билан боғлиқ ва Жанубий Африка ҳиндуларининг Жанубий Африка ҳинду инглиз тилисини ўз ичига олади. Шунингдек, қитъанинг Зимбабве, Замбия, Свазиленд ва Намибия аҳолиси шевалари бўлган турли вариантлар фарқланади.

Ғарбий Африка инглиз тили вариантыни 4 турга бўлиш мумкин: Пиджин инглиз (Гамбия соҳилларидан Экватор Гвинеясигача бўлган ҳудудларда тарқалган иккинчи инглиз тили), Стандарт Ғарбий Африка инглиз тили варианты (Гана ва Нигерия ҳудудларига хос) “французлашган” Ғарбий Африка инглиз тили варианты.

Америка ва Британия вариантларида мавжуд бўлмаган, Африканинг маҳаллий тилларидан ўзлаштирилган баъзи сўзлар Жанубий Африка инглиз тили вариантыда учрайди. Жанубий Африка инглиз тили вариантынинг асосий икки фонологик индикатори бу *kit* ва *bath* сўзларидаги унлилар билан характерланади. *Kit* сўзидаги унли талаффузида олд [i] ва марказий [ɪ] аниқ аллофоник фарқ сезилади.

Жанубий Африка инглиз тили вариантыда Британия инглиз тили вариант ва Америка инглиз тили вариантыда мавжуд бўлмаган сўзлар Африканинг Африканз ва Зулу тилларидан ўзлаштирилган. Шунингдек, ушбу вариант лексикасига маҳаллий Ҳинду тиллари ва шевалари ҳам ўз таъсирини ўтказган. Баъзи ҳолатлар Жанубий Африка инглиз тили вариантынинг Америка инглиз тили вариантыга уйғунлигини кўрсатади. Масалан, *tom* (Британия ва Австралия вариантларида *tum*), *freeway* ёки *hihway* (Британия

вариантида *motorway*), *cellphone* (Британия ва Австралия вариантыда *mobile*) ва *buck* ( Британия вариантыда *rand*).

Жанубий Африка инглиз тили варианты лексикасининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ушбу вариантда сўзлашувчиларнинг ҳар қандай вазиятда ҳам “*ja*” (“*yes*”) сўзини, ёки аксинча, унинг бўлишсиз шакли “*ja-nee*” (“*yes-no*” – қисман розилик, қисман қаршиликни ифодалаш учун) жумлаларида кенг фойдаланишларидир. Бу стандарт инглиз тилида нотўғри ҳисобланади ва расмий ҳолатларда қўлланилиши мақбул бўлмаса-да аҳоли нутқида унга тез-тез дуч келиш мумкин.

Жанубий Африка вариантыда *now* пайт олмошининг нотўғри ишлатилиши ҳам маълум. Хусусан, *just now* пайт равишини “*in a while*” ёки “*later*” (бир неча соатни назарда тутилади) маъноси ўрнида. Америка вариантыдаги *sneaker*, Британия вариантыдаги *trainers* сўзи ўрнида “*takkies*”, *tackie* ёки *tekkie*; *pick-up* сўзи ўрнига *bakkie*; *pleasurable* сўзи ўрнига *lekker*; *traffic lights* сози ўрнига *robot*; *party* сўзи ўрнига *jol* сўзлари қўлланилади. Жанубий Африка вариантынинг Ксоза, Зулу, Свази ва Ндебеле каби этник гуруҳлар орасида шаклланган Нгуни шеваси ўзига хос талаффузга эга. Ушбу шева эгалари *the*, *that* каби сўзлари [d] товуши билан (*danger*, *dull* сўзларидаги каби) талаффуз қиладилар. Шунингдек, *rice* сўзи *lice* каби талаффуз қилинади. Бу эҳтимол, ушбу халқлар маҳаллий тилларда [r] товушининг мавжуд эмаслиги натижасидир. Сото шеваси эгалари талаффузида ҳам Нгуни шеваси акценти сезилади.

**Зимбабве.** Зимбабвенинг инглиз тилида гапирувчи аҳолиси нутқида Жанубий Африка инглиз тили вариантыга хос жиҳатлар намоён бўлади. Шунингдек, Зимбабведа инглиз тилининг турли акцентларини учратиш мумкин. Масалан, Ҳарейр шаҳри ва унга ёндош ҳудудлар учун Британия акценти хос бўлса, қишлоқлар ва чекка ҳудудларда турли шевалар қоришиғидан иборат акцентда гапирадилар.

**Намибия** Намибияда гапириладиган инглиз тилига Жанубий Африка Инглиз тили варианты кучли таъсир ўтказган. Бу айниқса, пойтахт шаҳар Уиндхойк ва унинг атрофида жуда ҳам сезилади. Шаҳардан ташқари ҳудудларда маҳаллий тиллар, хусусан, банту тилининг таъсири бўлган шева қўлланилади.

**Фолкленд ороллари.** Фолкленд ороллари аҳолисининг асосий қисми маҳаллий туб аҳоли эмас, балки асосан Британияликлар ва уларнинг авлодлари, шунингдек, Авлиё Елена ороллари халқларидир. Қишлоқларда Фолкленд шеваси таъсири кучли бўлиб, у асосан Австралия, Янги Зеландия инглиз тили вариантлари ва Англиянинг Норфолк шевасига асосланади испан тилидан кириб келган кўплаб сўзларни ўз ичига олади.

## **УЧИНЧИ БОБ. Инглиз адабий тилини ўқитиш стандарти ва ўқитиш нормасини танлаш муаммолари**

### **3.1. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлардаги инглиз тилининг стандарт вариантлари**

Замонавий тилшуносликда инглиз тили стандарт инглиз тили, ҳудудий вариантлар ва маҳаллий диалектларга бўлинади. Стандарт инглиз тили инглиз тилида гапирувчи мамлакатларда ва бутун дунё бўйлаб инглиз тилида сўзлашувчилар учун тушунарли, адабий ва амалдаги шакли сифатида таърифланиши мумкин.

Адабий тил ва ноадабий тил ўзаро чамбарчас боғлиқки, улар ўртасига катта тавофутни қўйиш анча мушкул. Адабий тил доимий равишда ўз луғат таркибини ноадабий тилга хос бўлган баъзи сўз ва нутқ бирликлари эвазига бойитиб боради. Адабий тил тарихий категория ҳисобланади. И.Р Галперин адабий тил тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “миллий тилнинг дискурсининг ҳар қандай тури учун мақбул деб топилган ва стандарт деб тан олинган морфологик, фонетик, синтактик, лексик, фразеологик ва стилистик меъёрларга амал қиладиган вариантдир. Бунда қабул қилинган меъёрлар тизими асосида адабий тилнинг ноадабий тилга таъсири жуда юқори. Инглиз адабий тили XVII - XVIII асрларда бирмунча шаклланган. XIX асрда оммавий таълимнинг жорий этилиши ва XX асрда радио ва телевединиенинг ҳаётга кириб келиши адабий тилнинг ноадабий тилга таъсирини янада орттирди.

Стандарт инглиз тили атамасига аниқ бир изоҳ бериш биров қийинроқ. Бунинг асосий сабабларидан бири стандарт инглиз тилини назорат қилувчи ва уни тартибга солувчи ҳеч қандай расмий ташкилот мавжуд эмас. МкАртур (2003, 442) стандарт инглиз тилини характерловчи 3та хусусиятни санаб ўтади: 1) унинг босма нашр кўринишини тушуниш жуда осон, чунки унинг ёзма нутқ ҳолати бутун дунё бўйлаб тарқалган вариантларга мос келади. 2) ундан одатда янгиликлар дастурларида фойдаланилади. 3) ундан фойдаланиш сўзловчининг ижтимоий тоифаси ва таълимига боғлиқ бўлади. Ушбу

тилшунос шунингдек, англиз тилида гаплашувчи мамлакатда энг кенг маъқулланган, тушунилган ва қадрланган вариантни Стандарт англиз тили деб таъкидлайди. Бундан биз жамият томонидан энг маъбул деб танланган вариант стандарт деган хулосага келишимиз мумкин. Масалан, канадалик инсоннинг стандарт англиз тилига берган таърифи ирланд миллатига мансуб кишининг таърифидан бутунлай фарқ қилиши мумкин.

Инглиз тилининг кўплаб янги ҳудудий вариантлари ўзаро тушунарсиз бўлиши мумкин. Масалан, Сингапур англиз тили вариантыда бир қатор ноодатий жиҳатлар кузатилади. Масалан Фаррел ва Тан қуйидагиларни фарқлаб кўрсатади:

- эгалик қўшимчасининг тушириб қолдирилиши: **My mummy friend**
- маҳаллий тиллардан олинган сўзларнинг қўлланилиши: **Don't be so kiasu**
- сўроқ гапларда то бе феълининг тартибсиз қўлланилиши: **You don't want to go is it?**

сўроқ гапларда сан модал феълининг ноодатий қўлланилиши: **Like that can or not?**

Дунё миқёсида олиб қаралганда англиз тилининг ягона стандарт шакли концепциясини қабул қилиш унчалик ҳам тўғри бўлмайди. Чунки, тилнинг стандарт шакли тушунчаси унинг ёзма шаклига кўпроқ таалуқли бўлиб, бунда ҳам вариантлар ўртасида ўзаро фарқни ҳам тез-тез учратиш мумкин. Дунё бўйлаб англиз тилида гаплашувчи мамлакатларнинг ҳар бирида бир-биридан фонетик, грамматик, лексик, орфографик сатҳда фарқланувчи вариантлари шу мамлакатнинг ўзи учун стандарт деб қабул қилинган. Тилнинг турли вариантларидан фойдаланувчиларнинг оғзаки нутқи эса мамлакатлараро, ҳудудлараро фарқланиши маълум. Демак, стандарт англиз тилининг плюралистик характерга эга эканлиги англиз тилидан фойдаланувчи мамлакатларга хос лингвистик ҳақиқатдир.

Тилни яхлит бир тизимга солиш (стандартлаш) тарихий босқичларга эга бўлган жараёндир. Бундай жараён Британияда XVIII асрда англиз

грамматикасини стандартлаш бошланганида ва Томас Шеридан ва Жон Волкер томонидан талаффузнинг меъёрий қоидалари ишлаб чиқилиши билан асослана бошлади. Бунгача, яъни, 18 асгача, Лондон ва унинг атрофида зиёли кишиларнинг нутқи ва талаффузи меъёрий деб тан олинган эди. Британияда XIX-XX асрларда Oxford English Dictionary луғатининг яратилиши, Маглстоун (2003), Брюер (2007) олиб борган илмий ишлар инглиз тилини лексик стандартлашга асос бўлди. Грамматик жиҳатдан тилни стандартлаш борасида Роберт Ловз (1762) томонидан олиб борилган ишлар аҳамиятли. Шунга қарамай XVIII аср инглиз грамматикаси учун мақбул деб ҳисобланган баъзи жиҳатлар эндиликда стандарт инглиз тили учун муносиб эмаслигини кўриш мумкин. Масалан:

- гапда бўлишсизликнинг икки белгиси: **They *don't* want *no* support.**
- инфинитивнинг **to** юкламасидан кейин равишнинг ишлатилиши: **He advised them to *seriously* consider the matter.**

Тилнинг стандарт шакли мунтазам ўзгаришларга учраши ҳақиқатдир. Масалан, Британияда, Қабул қилинган талаффуз эгалари нуткида /t/ товушининг юмшоқ талаффуз қилиниши, грамматикада эса **want** каби феълларнинг давомли замонда қўлланилиши: **She's wanting to join the group.** (Лееч 2009. 124); мажхул нисбатда **get** феълидан фойдаланилиши: **he got stopped by the police.**

Стандарт инглиз тилининг кўп вариантли эканлигини тадқиқ қилиш борасида Уатс ва Трудгилл, Срайстал олиб борган изланишлар эндиликда "инглиз тиллар" тушунчасининг юзага келганини кўрсатади. Бауернинг **“Watching English change”** (1994) китобида ҳам бу ҳақда кўплаб маълумотлар берилган.

### 3.2. Инглиз адабий тили ва уни ўқитиш меъёрининг ўзига хос хусусиятлари

Инглиз тилини ўқитиш бугунги кунимизда жуда аҳамиятли. Тил ўргатишни боланинг эрта ёшидан бошлангани маъқул. Аммо, тилни ўрганиш учун аввало она тилида тил ҳақида бироз тушунчага эга бўлиш керак. 6-7 ёшлардаги болада эса ўз она тилиси ҳақида ҳали етарлича тушунча мавжуд бўлмайди ва шу даврларда фақат энг оддий сўзларни ўргатиш яъни луғат бойлигини ўстириш билан олиб борилади. Ёш бола бирор сўзни инглиз тилидаги талаффуз қоидаларини ўргатувчига тақлид қилган ҳолатда ёдлайди ва қайтаришга ҳаракат қилади. Чунки тил фақат ўрганиладиган жараён эмас, балки у эгалланади. Чунки ҳеч ким она қорнидан бирор тилни билиб туғилмайди, балки атроф муҳит таъсирида, эшитган тили билан онги очилиб, тили ривожланади. Шунинг учу ҳам тил ўрганишнинг энг дастлабки усуллари бу эшитиб, такрорлаш ва кичик кичик нутқ бирликлари диалоглар билан мулоқотга киришишдир. Тил ўрганишда муҳит энг асосий нарса, масалан, ота онаси уйда рус тилида сўзлашувчи оила болалари рус тилини ўзлаштиради, (ҳеч қандай грамматика қоидаларисиз). Шундай экан инглиз тилини ўргатишда ҳам шундай муҳитни яратиш (ҳеч бўлмаганда фақат дарсларда) ўргатувчидан талаб этиладиган энг муҳим нарса. Агар жараён нутқни ривожлантирувчи омиллар суҳбатлар, authentic –яъни ҳаётий мисоллар билан берилган ўқиш машқлари, тинглаш машқлари, интерактив ўйинлар билан олиб борилса, биринчидан тил ўрганиш жараёни тезроқ, иккинчидан самаралироқ бўлади. Айниқса, ўргатувчининг бир дарслик билан ишламасдан, турли манбалардан олинган хилма хил материаллар билан таълим жараёнини олиб борса, инглиз тилининг стандарт кўриниши балки ҳудудий вариантлари бўйича ҳам ўқувчида етарли кўникмалар пайдо бўлади.

Тил ўргатиш жараёнида турли муаммолар келиб чиқиши мумкин. Булар ўрганувчининг ёши, ақлий қобилияти, қизиқиши, тил ўрганишга

бўлган салоҳияти, ва албатта она тилининг таъсирида кўриниши мумкин. Ўзбек тили ва инглиз тили келиб чиқиш нуқтаи назаридан турли тил оилаларига бориб тақалганлиги учун, ўзбек тили она тилиси бўлган ўрганувчи тил ўрганишнинг дастлабки пайтларида икки тил ўртасидаги лексик, грамматик, фонетик фарқлардан чалғиши мумкин. Чунки, ўзбек тилида гап қурилиши, сўз бирикмаларининг гаплардаги ўрни, гап бўлаклари, жамики тилимиз қонун қоидалари бутунлай бошқача. Шунинг учун ҳам тил ўргатувчининг педагогик ва методик маҳорати ўрганувчини тил ўрганишга бўлган мақсадига элтишида энг асосий нарсадир. Айримлар ўргана оламанми, дея чўчишади. Буни эса тил ўрганиш жараёнини қизиқ қилиб, бу каби муаммоларни олдини олиш мумкин.

Тил ўрганиш жараёнида тилнинг адабий вариантлари ҳақида ҳам тушунтиришлар бериб ўтиш кераклиги айтиб ўтилди. Тахлиллар шуни кўрсатадики, тил вариантлари айниқса Американча ва Британча инглиз тили ўртасидаги икки хиллик фарқлари, кўп ўрганувчилар учун иккита сўздан бири хато деган нотўғри тушунчани бериши мумкин. Шунинг учун ҳам энг кўп қўлланилувчи американча ва британча инглиз тили сўзлари рўйхати, луғат бойликлари ривожлантириш жараёнида бериб борилиши керак. Зеро, ўқувчи бу каби ҳар хилликлар хатолар эмас балки тилнинг турли вариантлари эканлигини тушунсин. Аммо, адабий тил вариантларидан кўпроқ хабардор бўлиш учун кўпроқ мустақил ўқиш машқларини амалга оширгани маъқул. Турли филмларни томоша қилиш, инглиз тилидаги журнал ва газеталар ҳам тилдаги вариантлардан кўпроқ хабардор бўлишга ёрдам беради. Шундай ҳолатлар ҳам борки, икки тил вариантыдаги фарқларни ўша контекстсиз тушуниш қийин. Қуйида бир неча тахлилий муҳокамани кўриб чиқсак;

Масалан: ***It isn't too bad*** - бу гапни инглиз бўлмаган киши ***She likes it*** - Ёмонмас маъносида тушуниши мумкин, лекин британияликлар эса ***it is awful*** ни назарда тутган бўлади.

Мана шу каби нутқий бирликларда муаммолар жуда кўп учрайди. Чунки кўпинча Британияликлар нутқда қўполлик бўлмаслиги учун фикрларини тоғридан тоғри ифода этишмайди. Ва натижада бошқа миллат вакили учун тушуниш қийин бўлиши мумкин. Ушбу йўриқнома орқали бир гапни қайси маънода ишлатилишини билиш мумкин. Қуйидаги рўйхат шу guidebook- йўриқномадан мисоллар билан берилган.

Британиялик айтади	Ҳорижлик нима деб тушунади	Британиялик аслида нимани назарда тутади
That was very brave of you!	She thinks I am very courageous	You are insane!
Very interesting!	She seems to like the idea!	How boring!
Not bad for a first attempt!	She thinks it is quite good!	I hate it!
Ok! I will bear it in mind	She will probably do it!	I have forgotten it already!
I am sure it is all my fault!	She is accepting the responsibility!	It is definitely your fault!
You must come over the dinner sometime!	I have been invited for dinner!	This is not an invitation.
I was abit disappointed	It doesn't really	I am very angry.

with the result!	matter.	
I hear what you are saying	She accepts my point of view.	I disagree and don't want to discuss it further
Ah huh(boshni ha alomati kabi qimirlatish)	She agrees with me!	I am listening but don't agree.
Oh,by the way,did you finish the work?	This is not important.	This is very important.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тилида сўзлашаётганда суҳбатдошнинг нима демоқчи эканлигини билиш ҳамма вақт ҳам осон эмас. Британияликлар, жуда мулойим, доимо мулозамат билан гапиради. Лекин киноя маъноларидаги мисоллар эса, сўзлашувчидан суҳбатга киришишда эҳтиёт бўлиш кераклигини эслатиб ўтади.<sup>42</sup>

Инглиз тилининг Британия вариантыда (English English) қабул қилинган талаффуз (Received Pronunciation), Америка инглиз тили варианты учун Умумий Америка талаффузи (General American English), Австралия варианты учун Ривожланган Австралия варианты (Educated Australian) атамаси қўлланилади. Мамлакатдаги бир ёки бир неча шевалар миллий жамиятнинг зиёли қатлам вакиллари томонидан энг мақбул ва тўғри ҳисобланади. **Бадий талаффуз** атамаси одатда рус ва украин тилшунослари томонидан, **меъёрий талаффуз** атамаси эса Британия ва Америка тилшунослари томонидан қўлланилади.

---

<sup>42</sup> Hot English magazine. 132 version. Guidebook for the special words.

Меъёрий талаффуз атамасини тилшунос В. Ю. Парашчук куйидагича шархлайди: тилдан фойдаланувчилар стандарт атамасини куйидагича изохлашимиз мумкин: мутлоқ тўғри бўлган ва жамиятнинг расмий муносабатларида қўллаш учун муносиб деб топилган лаҳжа.

Ҳозирда инглиз тили ўз ҳудудий шеваларига эга. Буюк Британияда шотланд шеvasи, шимолий, жанубий, марказий шевалар гуруҳи, АҚШда Шарқий, Ўрта Атлантика (марказий), жанубий-шарқий, ўрта, ғарбий шевалар гуруҳи мавжуд. Бир хил шева эгалари ижтимоий ва географик умумийлик орқали боғлиқ бўладилар; баъзан фонетик ва лексик ўзига хосликлар билан бирга умумий фонологик характерга эга бўладилар (В. Ю. Парашчук 2000).

Инглиз тили мисолида олиб қарайдиган бўлсак, тилнинг оғзаки шакли турли-туманликка ва талаффузларининг хилма-ҳиллигига эга эканлигини қайд этиш лозим. Тилнинг бундай вариантлари кичик гуруҳлардан тортиб бутун бир миллат даражасидаги жамиятлар томонидан шакллантирилади. Шундай қилиб тилнинг миллий вариантлари яратилади. Миллий вариантлар тушунчасини шархлашда биз А. Д Швецер концепцияларига таянамиз. Унинг фикрича, миллий тиллар миллат шаклланишини характерловчи, иқтисодий ва сиёсий омилларни ривожлантирувчи тарихий категория ҳисобланади. (Швецер 1983). Бошқача айтганда, миллий тил – бу миллат тили, унинг стандарт шакли, миллат адабиётининг тили.

Миллий вариантлар қатор ички ва ташқи омиллар туфайли ўзгариб боради. ҳар қандай инноватсиялар ортида албатта, талаффуз туради. Шундай қилиб инглиз тилининг миллий вариантлари бир-биридан асосан товуш, урғу ва интонацияга кўра фарқланади. Маълумки, баъзи давлатлар ҳудудида бирдан ортиқ, кўп ҳолларда икки тил қўлланишда бўлади. Бунга Канада давлатини мисол қилиб олишимиз мумкин - инглиз ва француз тили жамиятнинг асосий тили ҳисобланади. Бундай ҳолат тилшунослар томонидан **билингуализм** (икки тиллилик) деб аталади. (Ягона миллий тилга эга бўлган давлат

**монолингвализм** (бир тилли) деб аталади.) Бундай ҳолатда икки тил (ёки диалект)нинг маълум вазиятлардаги ўзаро муносабати натижасида лингвистик қоришиш юзага келади<sup>8</sup>

Ҳар бир миллий вариант территориал ва регионал диалектларга бўлинади. Диалектлар бир-биридан талаффуз, грамматика ва луғат таркиби билан фарқланади. "Акцент" фақатгина талаффуздаги фарқни англатади. шунинг учун маҳаллий акцентлар талаффуздаги баъзи умумий жиҳатларни ўзида мужассамлайди ва шу билан бирга территориал ва ареал акцент гуруҳларига мансуб бўлади. Масалан, Буюк Британиядаги **Йоркшир, Ланкашир** ва **Чешир** акцентлари "Шимолий акцент" гуруҳини ташкил этади.

Маълум бир географик, иқтисодий, сиёсий ва маданий сабабларга кўра мамлакат диалектларидан бири миллатнинг стандарт тилига, унинг талаффузи ёки акценти эса қабул қилинган стандарт талаффуз ҳисобланади. Хусусан, Лондон диалекти Британия учун **қабул қилинган стандарт талаффуз (RP - received pronunciation)**га айланди (Гимсон 1981).

Шунга қарамай, мамлакат умумий стандарт талаффуз шаклига эга эмас. У бошқа тиллар билан ўзаро муносабатлар, шу билан бирга қатор географик, психологик, ижтимоий ва сиёсий таъсирлар натижасида ўзгариб туради. Масалан, Англиянинг ўзида "**қабул қилинган талаффузнинг консерватив, умумий, илгор** шакллари" фарқланади (Гимсон 1981).

Ҳар бир жамият, кичик гуруҳлардан тортиб бутун бир миллатгача, ўз ижтимоий диалектига, шу билан бирга ўз ижтимоий акцентига эга. Британия тилшунослари жамиятни қуйидаги гуруҳларга бўлишни таклиф этадилар: юқори гуруҳ, юқори ўрта гуруҳ, ўрта ўрта гуруҳ, қуйи ўрта гуруҳ, юқори ишчи гуруҳ, ўрта ишчи гуруҳ, қуйи ишчи гуруҳ.

---

<sup>8</sup> D. Crystal. Global English. Cambridge University Press, 2003. 254

Шунингдек, гуруҳлар турли катта ва кичик ижтимоий синфларга (касбий, таълимий, маданий, ёш жинс, ва ҳ.к) бўлинади. Натижада, ҳар бир ижтимоий синф ўз диалект ва акцентига эга бўлади. Бундай ижтимоий диалектларни Д. А. Шахбагова "ижтимоий чекланган миқдордаги кишилар томонидан сўзлашиладиган вариантлар" деб шарҳлайди.

Тил воситаларининг сўзловчининг вазиятни англашидан келиб чиқиб, онгли ёки онгсиз тарзда танланиши исботланган. Шунингдек, тилдан фойдаланувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, маданий қадриятлари, жинс, ёш фарқлари ҳам аҳамиятга эга. Жамиятдаги бир тилдан фойдаланувчиларининг индивидуал нутқи идиолект деб аталади.

Швейцер тилнинг ижтимоий шароитларга асосланган икки хусусиятларини – стратификационал, яъни тилнинг ижтимоий структурага боғлиқлик ҳолати ва ситуационал, яъни, тилдан фойдаланишнинг ижтимоий таркиб билан боғлиқ бўлган ҳолатини фарқлайди (Швейцер 1983:6).

Инглиз тили миллий вариантларининг ҳар бири ҳудудий хилма-хиллик ва диалектга эга. Шунингдек, диалект ўз ичига актцентни ҳам олади. Акцент бу маълум бир тил жамоасининг ўзаро мулоқот жараёнида қўллайдиган талаффуз намуналаридир. Бир хил акцент эгалари одатда 1) умумий ижтимоий, географик хусусиятлар орқали боғлиқ бўладилар, 2) бир турдаги фонологик хусусиятларни (баъзан чегараланган миқдорда ўзаро фонетик ва лексик фарқ билан) намоён этадилар.

Шундай қилиб, мамлакатга хос бўлган талаффуз вариант ўз ичига миллий талаффуз стандарти ва ҳудудий акцентларни олади. Акцент ҳамиша тил эгасининг географик жиҳатдан қайси ҳудуддан эканлигини кўрсатади.

Инглиз тилида сўзлашувчи миллатларнинг барчаси айнан ўзига тегишли бўлган стандарт инглиз талаффузига эга. Бу вариантлар ўртасида жуда кўп умумийлик билан бирга бир қатор тавофутлар мавжуд. Бунга асосий сабаб

тилининг тарқалиш кўламининг кенглиги ва маҳаллий ва этник шарт-шароитнинг турли-туманлигидир.

Дунё миқёсида тарқалган инглиз тили шевасининг хилма-ҳиллиги асосан Британ ва Америка вариантларига асослананди. Британия инглиз тили варианты Англия, Ирландия, Уелс, Шотландия, Австралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Сингапур ва Жанубий Африкада қўлланиладиган инглиз тилига асос бўлса, Америка (ёки Шимолий Америка) варианты, хусусан Америка Қўшма Штатлари ва Канада давлатларига хос бўлган инглиз тилини ўз ичига олади. Шунга қарамай, Канадада фойдаланиладиган инглиз тилининг маълум жиҳатлари Британия инглиз тили вариантига жуда яқин ҳисобланса, аксинча, Ирландия фойдаланиладиган инглиз тилининг баъзи ўзига хос томонларини Шимолий Америка инглиз тили вариантыда ҳам учратиш мумкин. Шунингдек, стандарт Британия инглиз тили варианты ва стандарт ҳинд инглиз тили варианты орасида ҳам сезиларли фарқни кўриш мумкин. Аммо, таъкидлаш жоизки, ҳеч бир гуруҳ таркиби ўзаро тўлақонли мутаносиб бўлмаса-да, қатор умумийликларнинг Британия ва Америка вариантларига асосланган эканини кўриш мумкин.

Янги Зеландия ва Австралия талаффуз турлари Британия инглиз тили варианты стандартларига асосланади. Канада талаффуз стандартларида эса Америка инглиз тили вариантынинг баъзи белгилари сезилади. Канадаликлар худди америкаликлар сингари кўп ҳолларда ретрофлекс [p] ва қаттиқ [ɲ]дан фойдаланадилар ва [ɑ:] товушининг ўрнига [æ] товушини талаффуз қиладилар. Баъзи тилшунослар Канада талаффуз варианты Америка талаффуз стандартларига асосланган деб ҳисоблайдилар.

### 3.3. Инглиз тили меъёрий талаффуз стандартларини ўқитиш мезонлари

Бугунги кунда бутун жаҳон бўйлаб кечаётган глобаллашув ва интеграллашув жараёнлари дунё халқларида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Халқаро алоқалар ва илмий-техник ахборот алмашинувини кенгайтириш шароитида таржима жараёнига нафақат тил, балки маданий тўсиқларни ҳам ошиб ўтиши кўзда тутилган кўп аспекти фаолият сифатида қаралмоқда. Бир томондан таржима – таржимон иккита турли тил ва турли жамият ўртасидаги муҳим ижтимоий функцияни бажарувчи коммуникатив фаолият тури ҳисобланади. Бошқа томондан, таржима - айрим аспекти турли фанларни тадқиқ қилиш предмети бўлган мураккаб кўп қиррали ҳодисадир. Хусусан, у маданиятлараро мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилади.

Инглиз тилининг интернационаллашуви, айниқса, ривожланаётган ва бошқа давлатлардаги ички ва ташқи алоқаларни ривожлантиришга илмий-техник ютуқларни тарқатишга катта ёрдам беради. Лекин, шунга қарамай, Лондонда нашр этиладиган Economist журнали ва Financial News газетаси расмий музокараларда содир бўлаётган яхши тушунмаслик ёки умуман тушунмаслик ҳақидаги материалларни тез-тез чоп этмоқда. “Расмий мулоқот чегаралар орқали” китоби муаллифи Стивен Ҳаген британиялик экспортчиларнинг ҳар бештасидан бири халқаро муносабатларда тил характеридаги қийинчиликларга дуч келишини таъкидлаган. У она тили бўлган инглиз тилини “икки томонлама кескир қилич” деб атайди ва у нафақат дунёдаги расмий мулоқотда энг кўп тарқалган тил, балки ҳаётдаги барча ҳолатларда ҳам кенг қўлланиладиган тил эканини таъкидлайди. 1996 йилда Британия ҳукумати томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Британия инглиз тили вариантдан Халқаро инглиз тилига таққосланганда фойдаланиш жараёнида бир қатор лингвистик муаммоларга дуч келиш юқори эканлиги қайд этилган. Чунки бир тил она тилиси бўлган икки маданият ўртасида ҳам ўзаро тилни тушунмаслик ҳолатлари келиб чиқиши табиий.

Бундан ташқари тадқиқотлар АҚШ ва Канада сингари бир-бири билан чегарадош бўлган ва инглиз тилининг ўзаро яқин вариантыни қўллайдиган мамлакатлар аҳолиси ўртасида ҳам келиб чиқиши мумкин.

Демак бир тилга хос бўлган бундай номутаносибликлар халқаро таълимда қатор ноқулайликларни келтириб чиқариши табиий ҳолдир.

Стандарт инглиз тилини ўқитишда юзага келиши мумкин бўлган бир қатор салбий ҳолатларни санайди. Масалан, бундай ҳолат этник камситишларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Инглиз тилининг жуда кўп вариантларга эга эканлиги туфайли уни иккинчи тил ёки хорижий тил сифатида ўқитишда айнан қайси варианты энг мақбул деб танланиши борасида саволлар мавжуд. Инглиз тилининг кўплаб янги ҳудудий вариантлари ўзаро тушунарсиз бўлиши мумкин. Масалан, Сингапур инглиз тили вариантыда бир қатор ноодатий жиҳатлар кузатилади. Масалан Фаррел ва Тан қуйидагиларни фарқлаб кўрсатади:

- эгалик қўшимчасининг тушириб қолдирилиши: **My *mummy* friend**
- маҳаллий тиллардан олинган сўзларнинг қўлланилиши: **Don't be so *kiasu***
- сўроқ гапларда то бе феълининг тартибсиз қўлланилиши: **You don't want to go *is it?***
- сўроқ гапларда сан модал феълининг ноодатий қўлланилиши: **Like that *can or not?***

Инглиз тилини бу тартибда ўрганиш сингапурликлар учун ўз мамлакатида инглиз тилидан эркин фойдаланиш имконини берса-да, Сингапурдан ташқари ҳудудларда инглиз тилида сўзловчилар билан мулоқот жараёнини чеклаши мумкин.

ўқитишда стандарт инглиз тилидан чалғиш ҳолларини юзага келтириши мумкин.

Инглиз тилининг Америка ва Британия вариантларига асосида юзага келган миллий вариантлар ва уларда стандарт шаклларнинг турли-туманлиги ушбу стандартларнинг қайси бири инглиз тилини ўқитишда энг мувофиқ, деган саволни қўяди. Қайси талаффуз меъёрлари тилни ўрганувчиларни эркин мулоқотга кира олишини таъминлайди. бунда албатта, тил ўрганувчилар тушунишнинг универсаллигига эришиш учун яхши моделга эга бўлиши керак. Маълумки, стандарт Америка инглиз варианты ва стандарт Австралия варианты бирдан анча фарқланади, ўз навбатида ушбу ҳар иккала вариант қабул қилинган талаффуз меъёрларидан фарқланади. Турли вариант эгаларининг (ҳатто, тилдан она тили сифатида фойдаланувчилар) ўзаро мулоқотида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар инглиз тилидан иккинчи тил ёки чет тили сифатида фойдаланувчилар мулоқот жараёнида янада юқори бўлади. Женкинс инглиз тилининг иккинчи тил вариантлари талаффузини уйғунлаштириш халқаро тушунишни таъминлаш эҳтиёжи туфайли юзага келишини таъкидлайди.

Ўқитиш жараёнининг бошланғич босқичида асосий вазифа чет тилининг фонетик хусусиятлари, морфологик ва лексик ҳамда синтактик қурилишлари ҳақида элементар тушунчалар беришдан иборат бўлса, кейинги босқичда ўша тушунчаларни кенгайтириб ва чуқурлаштириб боришни такозо этади. Бунда ҳар қандай фонетик ёки грамматик ҳодиса ўша тилдаги лексик birlikни таҳлил қилиш ва уни она тилимиздаги ҳодисалар билан қиёслаш натижасида тушунтирилмоғи керак. Лексик birlikларнинг талаффузини қиёслаш қизиқарли натижаларни бериш билан бирга тилнинг фонологик системаси учун бегона бўлган элементларни аниқлашда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ўқитиш жараёнининг бошланғич босқичидаёқ инглиз тилидаги лексик birlikларнинг, асосан, сўзларнинг фонетик хусусиятлари ҳақида, уларнинг орфографик ва орфоэпик системалари муносабатлари ҳамда бу системаларнинг бир-бирига тўла мос келмаслиги ҳақида сўз юритилади.

Бошқа тилларда бўлгани каби, инглиз тилида ҳам унинг товуш системаси, энг аввало, икки катта гуруҳга – унли ва ундошларга бўлинади[1.81-132]. Инглиз тилидаги йигирмата унли фонема орфографияда фақатгина олти графема билан ифодаланса, йигирма тўртта ундош фонема нисбатан озроқ – йигирмата графема билан ифодаланади. Ўзбек тилининг товуш системасида эса бундай номуносивлик учрамайди, унда муайян графема маълум бир фонемани ифодалаб келади (НГ – Н бундан мустасно). Инглиз тилидаги бундай фарқ ўз навбатида сўзларнинг ёзилиши билан талаффузига ўргатишни биргаликда олиб боришни талаб қилади. Бундай бирликка эришишнинг асосий шартларидан бири инглиз тилидаги сўз структураларининг илк хусусиятларини билиш ва унинг конструктив элементи бўлмиш бўғинга бўлган муносабатини тўғри тушунтира билишдир.

Лексик birlikларни ўрганишда уларнинг конструктив элементи бўлмиш бўғин аҳамиятининг катталиги унинг бир неча хил типларга бўлиниши билан ҳам исботланиши мумкин. Умуман, бўғин – бу бўғин ясовчи ва унга нисбатан кучсизроқ товушлардан ташкил топган нутқ бўлаги бўлиб, унинг очик, ёпик, ярим очик ва ярим ёпик каби турлари мавжуддир. Бўғиннинг тури унли товушга қўшни бўлган ундошлар билан ёки унли товуш атрофидаги бўғин элементлари билан муносабатдан келиб чиқади. Аммо, қуйидаги инглиз сўзида “daughter” уч унли ва бешта ундош ҳарф иштирок этса, унинг талаффузида [do:tə] фақат икки унли ва иккита ундош товушлар иштирок этади. Ёзувдаги ва ўқилишдаги бундай номуносивлик ҳолларини бартараф қилиш мақсадида сўзлардаги икки хил бўғин турларини ифодалаш учун бўғиннинг орфографик ва орфоэпик турларини фарқлаш лозим. Масалан, юқоридаги сўз фонетик жиҳатдан [do:-tə] каби бўлиниб, икки очик бўғиндан ташкил топса, унинг орфографик бўлиниши “daugh-ter” тарзида бўлиб, икки тўла ёпик бўғиндан ташкил топади. Бу сўзлардаги ҳарфларнинг товуш ифодасини тушунтириш учун анъанавий фонетикада “а” ҳарфининг [o:] товушини ва “-er” ҳарф бирикмасининг нейтрал [ə] унлисини беришидан фойдаланамиз.

Инглиз ва ўзбек тилидаги сўзларда бўғиннинг юқорида айтиб ўтилган тўртта фонетик типи учрайди, масалан:

1. Тўла очик бўғин типи ( ёлғиз унлининг ўзидан ташкил топади ) V; [ə'geɪn ] – again, [ɑ:] – are у
2. Тўла ёпиқ бўғин типи – CVC: [ bed ] - bed, [ buk ] - book, [ træm ] - tram, бор, биз;
3. Ярим очик бўғин типи – CV: [ tu ] - |to, [ti:tʃə ] - teacher, то
4. Ярим ёпиқ бўғин типи – VC: [ ət ] - at, [ æz ] - as, от, уч, он; (бунда “V” белгиси бўғинда унли товушнинг шартли белгиси сифатида, “C” эса ҳар қандай ундош товушнинг фонетик белгиси сифатида қаралади).

Кўп бўғинли инглиз сўзларида сўз урғусининг орфографик бўғиндаги унлига таъсири анча каттадир. Урғули бўғиндаги унлилар, одатда, алифбодаги ўқилишига эга бўладилар (биринчи тип бўғин ўқилиши). Масалан, take-[teɪk] - олмоқ, pupil-[pju:pl] - ўқувчи, robe-[roub] - чопон, (good)-bye-[baɪ] - ҳайр, thirteen-[θə:ti:n] - ўн уч, fine-[faɪn] - ажойиб ва ҳоказо. Орфографик бўғиндаги унлининг талаффузини белгилаб берувчи факторлардан яна бири унинг атрофидаги ундошларнинг хусусиятларидир.

Юқорида келтирилган бўғин турлари икки тилда бир хил бўлсада, уларнинг фонетик кўринишлари бир-биридан фарқ қилади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги тўла очик бўғин типи бир хил кўринишга эга – V; тўла ёпиқ бўғин эса, ундошларнинг иштирок этиш даражасига кўра жуда хилма-хилдир: CVC, CVCC, CVCCC, CVCCCC; CCVC, CCVCC, CCVCCC, CCVCCCC; CCCVC, CCCVCC, CCCVCCC. Бу бўғин типларидан баъзилари мураккаб бўлиши билан бирга, мактаб лексикасининг анчагина қисмини ташкил этади. Масалан, text-[tekst] - CVCCC – *текст*, spring-[sprɪŋ] - CCCVC – *баҳор*, sixths-[sɪksθs] - CVCCCC – олтинчи(си) ва ҳоказо. Бундай бўғин структурасига эга бўлган сўзларнинг соф ўзбек сўзларида йўқлигини назарга олсак, фонетик ҳодисанинг ўқитиш процессидаги моҳияти яна ҳам яққолроқ кўринади. Протеза ҳодисаси, яъни, ундош бирикмалар ўртасига ҳар хил тор унлиларни қўшиб талаффуз қилиш ана шундай асосга эга бўлиб, инглиз тилида бу ҳодиса

сўзларнинг маъносини ўзгартириб юбориши мумкин. Масалан, sends-[sendz] (V) – (y) *жўнатади* сўзидаги бўғин ва сўз охиридаги ундош бирикма орасига тор [ə] унлисининг қўшилиши ва [sendəz] сифатида талаффуз қилиниши маъно ўзгаришига олиб келади: (sendəz>senders) – *жўнатувчилар*. Asked сўзининг [ɑ:skɪd] - сўзи сифатидаги талаффузи эса нофенематик хато бўлсада, у сўзнинг акцент-ритмик бирлигининг бузилишига олиб келади.

Чет тиллар мактаб программасига кўра ўқув жараёни давомида ўқувчилар маълум миқдордаги (1200дан ортиқ) лексик бирликни билишлари шарт. Бу бирликларнинг қарийб тўртдан бирини мураккаб бўғин типларидан ташкил топган сўзлар ташкил этади: close, camp, dance, strong, press, please, quite, school ва ҳоказолар. Инглиз тилининг фонетик структураси сўз ва бўғинларда бир неча ундошларнинг иштирок этиши билан характерланса, ўзбек тилида, юқорида айтиб ўтганимиздек, бундай ҳодиса учрамайди. Бу ҳол ўзбек ўқувчиларига инглиз тилини ўрганишда ҳар хил қийинчиликларга олиб келади. Бундай ҳолларда инглиз тилидаги орфографик бўғин типларининг хусусиятларини бўғинлардаги унли ҳарфларнинг ўқилиш турлари билан тушунтириш мумкин. Қоидадан мустасно ҳолатлар, албатта, алоҳида тушунтирилмоғи керак.

Фонетик бўғин типларини ва уларнинг ҳар хил кўринишларини ўрганишдан асосий мақсад ўқувчилар ўрганиши керак бўлган лексик бирликларни тўғри, адабий нормага яқин талаффуз қила олишда нутқ кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.

Инглиз тилининг адабий ва ҳудудий вариантларининг қиёсий таҳлили устидаги изланишлар олиб борилаётганига кўп бўлмади. Шунинг учун ҳам бу масалани ўрганиш жараёнида бир қанча муоммаларга дуч келиш мумкин.

Улар қаторига қуйидагилар киради.

1. Адабий ва минтақавий вариант турлари;
2. Адабий вариантлар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликлар;
3. Адабий инглиз тилида шева ва жаргонларнинг ишлатилиш ўринлари;
4. Адабий инглиз тилини ўқитишда талаффуз нормалари;

Тадқиқотимизда адабий инглиз тилининг ҳудудий вариантларига турли ёндошувлар таҳлили билан танишиш, вариантлар ўртасидаги фарқлар ва ўхшаш жиҳатларни таҳлил қилишимиз инглиз тилининг адабий варианты ҳақида маълум хулосалар чиқаришимизга имкон яратди.

Инглиз тилининг адабий варианты ҳақидаги дастлабки хулосамиз унинг келиб чиқиш тарихи, минтақалараро ўзгариши ва турланиши билан боғлиқдир. Бугунги кунда жами беш қитъада сўзлашилувчи инглиз тилининг ҳаётийлик давомийлиги IV асрдан ошади. Тадқиқотимизда адабий инглиз тили, вариантлар ва диалектларни ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Стандарт инглиз тили шу тилнинг адабий кўриниши бўлиб инглиз тилида гаплашадиган барча давлатлар ва дунё миқёсида тан олинган ва қабул қилинган кўриниши;
2. Инглиз тилининг ҳудудий вариантлари тил нормаларини ҳудудлараро танлаб олинган ва кенг ишлатиладиган кўриниши

ҳисобланиб, улар жойнинг аҳоли қатлами, маданияти, тарқалишига қараб турланади;

3. Маҳаллий диалектлар оғзаки нутқ учун хос бўлиб, улар адабий тил меъёрларига алоқадор эмас ва фақатгина маълум ҳудуд ва кишилар мулоқотини бойитувчи тил кўриниши ҳисобланади;

Кейинги хулосамиз инглиз тили вариантларининг грамматик, лексик, семантик ва морфологик жихатлари билан боғлиқдир. Инглиз тилининг ҳудудий вариантларини таҳлил қилар эканмиз, улар юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Стандарт инглиз тили қонун қоидаларига Британча инглиз тили асос қилиб олинган.

2. Инглиз тилининг Британча ва Американча вариантларига бўлинишида тилдаги ишлатилиш ёки ишлатилмаслик хатолари асосида эмас, балки тилдаги фойдаланувчиларга бўлган қулайликлар сабаб икки асосий вариантга ажраган.

3. Инглиз тилининг стандарт ҳолатдаги кўриниши асосан икки вариантда: американча ва британча инглиз тилида.

4. Турли ҳудудларда сўзларнинг ишлатилишида семантик жихатидан бир-бирига мос келмай қолиши ва вариантларда лексик бирликларнинг эквиваленти камлиги лексик фарқларни юзага келишига сабаб бўлади;

5. Диалектга хос сўзлар асосий уч қисмга:

- а) ҳудудий диалектлар

- б) классик диалектлар

- в) адабиётда ишлатиладиган диалектлар бўлинади.

6. Инглиз тилининг ҳудудий вариантларида фақат ўша ҳудуд учун хос бўлган сўзларнинг ҳам мавжудлиги.

Инглиз тилини стандарт кўриниши давлат тили бўлган ва бўлмаган даврларда ўргатилиши бутун дунёда ривожланиб бораётган фан техника ривожини билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзини ҳар соҳада билимдон деб ҳисобловчи ҳар бир кадрдан бирор хорижий тилни айниқса инглиз тилини билишни талаб этилиши бежиз эмас. Тил ўрганувчи қайси миллат, қайси ҳудуддан бўлишига қарамай стандарт инглиз тилини билиши ундаги хусусиятларни ҳам ҳисобга олган ҳолда фойдаланиши давр талабидир. Ўтган даврга қараганда ҳозирги замон тил ўзгаришлари ҳам фан техниканинг шиддат билан ривожланиши туфайли тез ўзгаришга эришди.

Тил ўрганувчи тил ўрганишнинг дастлабки босқичиданоқ тилдаги маҳаллий хусусиятларни ўрганиб бориши айниқса Британча ва Американча инглиз тилининг фарқли жиҳатларини билиши керак. Фикримизча, дарсликларда, қўлланмаларда ҳам инглиз тилини маҳаллий кўринишлари ҳақида маълумот берувчи боблар киритилиши керак. Зеро, ҳеч қайси тил фақат грамматик тил қоидаларидан иборат эмас, ундаги турли лингвистик безаклар-жаргонлар, лаҳчалар, диалектлар, шевага ҳос сўзлар, иборалар мавжуд.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу каби тилдаги хусусиятлар тилнинг ривожига, бойишига ва оммалашувига ўз таъсирини ўтказди ва албатта кейинчалик стандарт тил кўринишларини ҳосил қилади. Бутун дунё бўйлаб доминантликни қўлга олган ва олаётган бо дан ортиқ давлатларда расмий тил сифатида ишлатилаётган инглиз тилининг келажак учун ҳам ўз ўрни ва аҳамияти бор.

Тил истеъмолига талаб ортиб борар экан, унинг минтақалараро фарқланиб ривожланиши турли ҳудудий бўлинишларга олиб келади.

Тадқиқотимиз давомида адабий ва ҳудудий вариант турлари, улар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликлар, шева ва жаргонларнинг ишлатилиш ўринларини очиб беришга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, бизнинг инглиз тилининг адаби варианты устида олиб борган изланишларимиз ҳорижий тил ўрганувчиларнинг тил ўзлаштириш жараёнини осонлаштиради ва зарурий манба бўлиб хизмат қилади.

## **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрга «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. 252-б
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Т.: Ўзбекистон, 2016.14 – б.

## **II. Асосий адабиётлар.**

1. Абдуазизов А.А. Ҳозирги инглиз тили назарий фонетикаси.- Т.:1986.
2. Абдуазизов А.Тилшунослик назариясига кириш. –Т.:”Шарқ” 2010.
3. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.:1973.
4. Антрушина Г.Б., АфанасьеваО.В., Морозова Н.Н. Лексикология английского языка. –М.:1985.
5. Александрова О.В. Хрестоматия по английской филологии. –М.:1991.
6. Аракин В.Д. История английского языка. – М.:1985.
7. Беляева Т.М.,Потапова И.А. Английский язык за пределами Англии. – М.: 1961.
8. Иванова И.П., Чахоян Л.П. История английского языка. – М.: 1976.
9. Маковский М.М. Английские социальные диалекты. –М.:1982.
10. Маковский М.М. Английская этимология. – М.: 1986.
11. Расторгуева Т.А. История английского языка. –М.:1983.

12. Смирницкий А.И. Древнеанглийский язык. – М.:1955.
13. Степонавичюс А.Ю. Историческая фонология английского языка. – М.:1987.
14. Филиппов Е.Н. Соотношение общеанглийской и американской лексики в американском варианте английского языка. – М.:1967.
15. Швейцер А.Д. Литературный английский язык в США и Англии. – М.:1971.
16. Шах-Назарова В.С. Практический курс английского языка. – М.:1998.
17. Ярцева В.Н. Развитие национального литературного английского языка. – М.:1968.
18. Azar. Fundamental English Grammar book, 3<sup>rd</sup> edition.
19. Bex, Tony; Richard J. Watts. Standard English: The widening debate. Routledge. 1999.
20. Blake, N. F. A History of the English Language. (Basingstoke: Palgrave). 1996.
21. Burridge, Kate and Bernd Kortmann (eds). Varieties of English: vol 3, The Pacific and Australasia. (Berlin and NY: Mouton de Gruyter). 2008.
22. Binder, David. (14 September 1995). "Upper Peninsula Journal: Yes, They're Yoopers, and Proud of it". New York Times, section A, page 16.
23. Bartlett, Ray; Gregor Clark; Dan Eldridge; Brandon Presser. Lonely Planet New England Trips. Lonely Planet. Retrieved 4 September 2013. 2010.
24. Coulmas, Florian; Richard J. Watts. Sociolinguistics: The study of speaker's choices. Cambridge: Cambridge University Press. 2006.
25. Crowley, Tony. Standard English and the Politics of Language (2nd ed.). Palgrave Macmillan. 2003.

26. Crystal David . The Fight for English: How language pundits ate, shot and left. Oxford: Oxford University Press. 2006.
27. Crystal, David. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. 4th ed. (Oxford: Blackwell). 1997.
28. Concise Oxford companion to the English language, pp. 96–102. 2005.
29. Crystal David. The Cambridge encyclopedia of the English language (2nd ed.). Cambridge University Press. 2003.
30. Collins, Jim. "Mud season: New England's fifth season". Yankee. Retrieved 4 September 2013.
31. Durkin, Philip. "Global English", Oxford English Dictionary, 2007. Accessed 2007-11-07.
32. Daniel Schreier, Peter Trudgill. The Lesser-Known Varieties of English: An Introduction. Cambridge University Press, Mar 4, 2010 pg. 10
33. Freeborn, Dennis. From Old English to Standard English: A Course Book in Language Variations Across Time (3rd ed.). Palgrave Macmillan. 2006.
34. Gollach, Manfred. "The Linguistic History of English" (Basingstoke: Macmillan). 1997.
35. Gramley, Stephan; Kurt-Michael Pätzold. A survey of Modern English. London: Routledge. 2004.
36. Harder, Jayne C., Thomas Sheridan: A Chapter in the Saga of Standard English, American Speech, Vol. 52, No. 1/2 (Spring - Summer, 1977), pp. 65–75.
37. Hickey Raymond. Legacies of Colonial English. Essen University: Cambridge University Press. 2004.

38. Hudson, Richard A. *Sociolinguistics* (2nd ed.). Cambridge: Cambridge University Press. 1996
39. Hot English magazines. 127,128,134,118 version
40. Hickey Raymond. *Dublin English: Evolution and Change*. John Benjamins Publishing. 2005. pp. 196–198.
41. Hickey Raymond. *A Source Book for Irish English*. Amsterdam: John Benjamins Publishing. 2002. pp. 28–29.
42. Kryss Katsiavriades. "The Origin and History of the English Language"
43. Kortmann, Bernd and Clive Upton (eds). *Varieties of English: vol 1, The British Isles* (Berlin and NY: Mouton de Gruyter). 2008.
44. Mesthrie, Rajend (ed). *Varieties of English: vol 4, Africa, South and Southeast Asia* (Berlin and NY: Mouton de Gruyter). 2008.
45. Mugglestone, Lynda. *The Oxford History of English*. Oxford: Oxford University Press. 2006.
46. Moore, B. *Speaking our language: the story of Australian English*, Oxford University Press, Melbourne. 2008. p. 69.
47. Schneider, Edgar W. (ed). *Varieties of English: vol 2, The Americas and the Caribbean*. (Berlin and NY: Mouton de Gruyter). 2008.
48. Smith, Jeremy. *An Historical Study of English: Function, Form and Change*. (London: Routledge) 1996.
49. Thorne, Sarah. *Mastering Advanced English Language*. (Basingstoke: Macmillan) 1997.
50. Wright, Laura. *The Development of Standard English, 1300 - 1800: Theories, descriptions, conflicts*. Cambridge: Cambridge University Press. 2000.

51. Wells, J. C. Accents of English 2: The British Isles.1982.
52. Wells . Accents of English.2006. P.595
53. Wakelin, Martyn Francis. Discovering English Dialects. Oxford: Shire Publications. 2008.p. 4
54. Wells. Accents of English. Cambridge University Press. 1983. page 351.
55. Wolfram, Walt, and Natalie Schilling-Estes. American English: dialects and variation second edition. New York: Wiley-Blackwell.2006.

### **III. Интернет сайтлари.**

1. [http://www. Englishteaching .org.uk](http://www.Englishteaching.org.uk) (British Council)
2. <http://www.ziyonet.uz> (Ўзбекистон миллий кутубхонаси)
3. [http:// www.gutenberg.org](http://www.gutenberg.org) (Project Gutenberg Website)
4. <http://www.Define Stoop at Dictionary.com>